БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 93 (17.971). • 22 апрель 1981 йил, чоршанба • Баҳоси 2 тийин.

ДОҲИЙГА ҲАЙКАЛ

ЖИЗЗАХ, 21 апрель. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда жаҳон пролетариати доҳийси В. И. Ленинга ҳайкал очилди. Шаҳарнинг Коммунистик партия ва Совет давлати асосчиси номи билан аталган янги майдонида кўп кишилик митинг бўлди. Митингда партия ва меҳнат ветеранлари, саноат корхоналари ва қурилишлари коллективларининг, колхоз ва совхозларнинг вакиллари, ўқувчи ёшлар ва студентлар, зиёлиларнинг вакиллари иштирок этдилар.

В. И. Ленининг гранит супача устига ўрнатилган олти метрли улуғвор бронза ҳайкали митинг қатнашчилари кўз ўнгида намоён бўлди. Ҳайкал авторлари — москвалик ҳайкалтарошлар, РСФСР халқ рассомлари И. Бродский ва Б. Дюжев, СССР Давлат мукофотининг лауреати архитектор С. Одиловдир.

Митинг иштирокчилари ҳайкал пойига гуллар қўйдилар.

* * *

РОМИТАН (Бухоро области), 21 апрель. (ЎзТАГ). Бугун Ромитан райони марказидаги майдонга юзлаб пахтакорлар, механизаторлар, чорвадорлар, мактаб ўқувчилари, қишлоқ зиёлиларининг вакиллари келишди. Бу ерда Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси В. И. Ленин ҳайкали очилишига бағишланган тантанали митинг бўлиб ўтди.

СССР Давлат гимни садолари остида оппоқ чойшаб тушириладн ва митинг қатнашчиларининг нигоҳи Ильичнинг бронзадан қуйилган улуғвор ҳайкелига тушади. Ҳайкалтарош К. М. Багдасаров ва архитектор Р. Ҳикматов — ҳайкал авторларидир.

Ҳайкал пойига кўплаб гулчамбарлар ва гулдасталар қўйилди.

ЛЕНИНИЗМ — ЗАФАР БАЙРОҒИМИЗ

Улуғ доҳий ва устоз Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг ҳар йилги санаси мамлакатимиз, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари халқлари, жаҳондаги барча тараққиёт ва тинчлик тарафдорларининг қутлуғ ва порлоқ байрамидир. Зеро улар ҳар йилнинг 22 апрель кунини буюк тарихий ва социал ўзгаришларга бой асримиз ҳаётининг ҳамма жабҳаларида эришган ютуқларини ленинчасига кўрикдан ўтказадилар, инсониятнинг энг эзгу ниятларини рўёбга чиқаришнинг ленинча улуғвор режаларини тузадилар.

Владимир Ильичнинг мўътабар шахс сифатидаги, жўшқин яратувчилик фаолиятидаги ҳамма ажойиб фазилатлар — инсонпарварлик, битмас-туганмас куч-ғайрат, кучли ирода, меҳнаткашлар манфаати йўлида фидокорлик, изчил интернационализм революцион ўтмишдошларимиз, бунёдкор замондошларимизнинг қонига сингиб кетгандир.

Мамлакатимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб, унга бугунги чирой ва қудрат бағишлаган коммунистлар авлоди ҳамиша Лениндан ўрнак олиб, унинг ғояларига оғишмай амал қилиб курашдилар ва ғолиб чиқмоқдалар. Давримизнинг марксизми бўлмиш ленинизм илмий тафаккурнинг энг олий ютуғи, тарихий тажрибада кўп синовлардан ўтган революцион-бунёдкорлик назарияси ва методидир.

Ленинизмнинг буюк аҳамияти шундаки, у ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг манфаатларини, жаҳон социал тараққиёти эҳтиёжларини чуқур ва аниқ ифодалайди, ҳозирги замоннинг энг ўткир, ҳаётий масалаларига тўғри жавоблар ишлаб чиқиш имконини беради, етилган проблемаларни дадил, ижодий ҳал этишни ўргатади, ижтимоий ривожланиш истиқболларини илмий тушуниш услуби билан қуроллантиради.

В. И. Ленин барпо этган ва вояга етказган, Ильичнинг ўзидек улуғ Коммунистик партия Советлар мамлакатини нурафшон яратувчилик йўлидан олиб бормоқда. Эндиликда мамлакатимиз меҳнаткашлари социал тараққиётнинг энг олдинги сафида турибдилар. Улар ер юзида биринчи бўлиб ривожланган социалистик жамият қурдилар, биринчи бўлиб коммунизм қурмоқдалар.

Ленин ва партиянинг қондош-эгизаклиги партия ва халқ, халқ ва партиянинг бузилмас бирлигида камол топмоқда. Партия мамлакатимиз меҳнаткашларининг коммунистик жамиятнинг моддий-техника базасини ва маънавий маданиятини яратиш учун курашига бошчилик қилар экан, ҳар доим ленинча таълимотига амал қилиб келмоқда. Шу туфайли хўжалик ва маданий қурилиш бобида келиб чиқаётган проблемаларни дадил ҳал қилаётир, экономиканинг самарадорлигини ошириш, фан ва техника ютуқларидан энг тўла фойдаланиш томон кескин бурилиш ясаётир ва айни вақтда олга томон ҳаракатимиз истиқболларини равшан кўрсатиб бераётир.

Владимир Ильич туғилган куннинг 111 йиллигини Узбекистон халқлари барча қардош халқлар сингари КПСС XXVI съезди, Узбекистон Коммунистик партияси XX съезднинг тарихий қарорларини ғайрат билан бажаришга киришган кўтаринки вазиятда нишонламоқдалар. Коммунистларнинг ҳар бир олий анжуманида бўлганидек, XXVI съезд ҳам халқ фаровонлигини муттасил ошириб бориш мақсадида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берди. «Партиянинг шиори, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев съезд ёпилиши вақтида сўзлаган нутқида, — ҳамма нарса инсон бахт-саодати учун, ҳамма нарса инсон учун эканлигини совет кишилари биладилар. Билганлари учун ҳам партия сиёсатини астойдил қўллаб-қувватлайдилар».

Кўпмиллатли совет давлатимизнинг бутун шонли тарихида КПСС ленинча миллий сиёсатининг ижодий характери, халқлар дўстлиги ва социалистик интернационализмнинг ҳаётбахш кучи ва принциплари тўла намоён бўлди. Ленинча миллий сиёсат, халқлар дўстлигининг бой самаралари мамлакатимиздаги барча қардош республикалар сингари серқуёш республикамизда ҳам яққол кўриниб турибди. Шу дўстликка чексиз садоқат, ленинча миллий сиёсатга оғишмай амал қилиш Узбекистон халқларига социал ва миллий зулмдан абадий халос бўлиш, ўз миллий давлатчилигини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, қудратли замонавий индустрияни ва юксак даражада ривожланган қишлоқ хўжалигини барпо этиш имконини берди. Бу хаётбахш кучнинг хосияти туфайли республикамиз халқларининг моддий фаровонлиги муттасил ошиб бормоқда, омманинг ижодий ташаббуси, халқ талантлари тўла-тўкис намоён бўлмоқда, социалистик турмуш тарзининг моддий ва маънавий асослари мустаҳкамланмоқда.

Республикамизнинг бугунги жўшқин ҳаётида азамат ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ва зиёлиларнинг куч-ғайрати коммунизм моддий-техника базасини вужудга келтириш йўлидаги умумхалқ меҳнати билан қўшилиб, қудратли оқимни ташкил этмоқда. Азамат ишчилар синфи азалий анъаналарни давом эттириб, самарадорлик ва иш сифатини оширишнинг янгидан-янги ташаббуслари билан майдонга чиқмоқда.

Қишлоқ хўжалиги таниб бўлмас даражада тубдан ўзгарди. Ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлари билан айтганда, Октябрдан аввал фақат тиникни қуритадиган қўл меҳнатини билган деҳқон яшаган жойдаги ҳар юз гектар экинзор ҳозир иттифоқдаги ўртача даражадан икки ҳисса кўп энергия билан таъминланган. Умумиттифоқ меҳнат тақсимотида пахтачиликка ихтисослашган Узбекистон «оқ олтин» ижодкорлари эса пахтадан барқарор, тобора кўп ҳосил етиштиришнинг ойдин йўлидан дадил бормоқдалар.

Илм-фан юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Илмий-техника имкониятлари тобора кенгаймоқда. 34 мингдан кўпроқ илмий ходим, шу жумладан 900 дан кўпроқ фан доктори ва 12,5 фан кандидати ҳозирги замон фанининг турли соҳаларида тадқиқотлар олиб бориб, ижодий фикр ва ижодий меҳнат иттифоқнинг мустаҳкамламоқда.

Узбекистонда иқтисодий, илмий-техника ва социал-маданий имкониятларнинг мустаҳкам заминида халқнинг моддий ва маънавий даражасини янада ошириш юзасидан кенг тадбирлар амалга оширилаётир. Бу муҳим партиявий ишга Узбекистон Коммунистик партияси моҳирлик билан раҳбарлик қилмоқда.

Бу йилги ленинча шанбалик бутун мамлакатимизда бўлгани каби Узбекистонда ҳам партия XXVI съезди қарорларини бажариш борасидаги ишлар кенг авж олган, меҳнат кўтаринкилиги вазиятда ўтди. Дастлабки ҳисобларга кўра шу куни деярли 42.000.000 сўмлик маҳсулот тайёрланди. 2.000.000 тоннадан кўпроқ юк ортиб тушириди, қариб 11.000.000 сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Бу — доҳий номи билан аталган анъана барҳаётлигининг яна бир далилидир.

Буюк интернационал таълимот бўлмиш ленинизм қардош партиялар, жаҳон коммунистик ҳаракатининг бутун назарий ва амалий фаолияти учун тобора катта аҳамият касб этмоқда. Бизнинг замонамизда доимо олга бориш — Ленин кўрсатмаларига изчил амал қилиш демакдир.

Коммунистик идеаллар тантанаси учун курашда бизнинг партиямиз ленинизмга, давримиз революцион кучларининг буюк ғоявий байроғига садоқати туфайли ғалабаларга эришди ва бундан кейин ҳам эришаверади.



Владимир Ильич Ленининг номи ва иши асрлар бўйи яшайверсин!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

ЎЗБЕКИСТОН КОЛХОЗЛАРАРО ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ IV СЪЕЗДИГА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика колхозлараро қурилиш ташкилотлари IV съезди делегатларини ва сизлар орқали республика колхозлараро қурилиш ташкилотларининг барча ходимларини қизғин табриклайди.

Сизларнинг съездингиз КПСС XXVI съезди тарихий қарорлари туфайли меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик гоят жўш урган вазиятда ўтмоқда. Мамлакатимизни иқтисодий ва социал жиҳатдан ривожлантиришнинг съезд белгилаб берган ҳамда 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган улуғвор программаси партия билан давлатнинг совет халқи фаровонлигини ошириш тўғрисидаги ғамхўрлигининг янги, яққол ифодасидир.

Бу программани бажаришда қурувчилар муҳим роль ўйнайдилар. Янги беш йилликда қурувчилар, жумладан, сизлар, республикамизнинг қишлоқ қурувчилари жиддий синовдан ўтасизлар.

Сизлар қишлоқ аҳолисига маданий-маиший хизмат кўрсатиш даражасини шаҳар даражаси билан янада яқинлаштириш соҳасидаги меҳнатда талай шонли ютуқларга эришдингиз.

Колхозлараро қурувчиларнинг меҳнати билан республикада қишлоқ юксак суръатларда қайта қурилмоқда, аҳолига маданий, коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш даражаси юксак бўлган шаҳар типидаги замонавий, обод посёлкалар барпо этилмоқда.

Республика колхозлараро қурилиш ташкилотларининг коллективлари ўнинчи беш йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажардилар, қишлоқ жойларда минглаб ишлаб чиқариш объектларини, кўпдан-кўп уй-жой биноларни, мактаблар, болалар муассасалари, даволаш ҳамда бошқа маданий ва маиший муассасалар қуриб бердилар, колхозларнинг моддий-техникавий базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга, колхозчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга муносиб ҳисса қўшдилар.

Эришилган муваффақиятлар колхозлараро қурилиш ташкилотлари ишчилари, инженерлари ва техниклари, барча ходимлари қилган фидокорона меҳнатнинг, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари социалистик мусобақани ривожлантириш соҳасидаги зўр оммавий-сиёсий ишнинг натижасидир.

Сизлар колхозлараро қурилиш ташкилотларининг ишида колхозлардаги объектларни қуриш соҳасида бош пудратчи бўлиш вазифаларини, бош лойиҳачи ва буюртмачи бўлиш вазифалари билан бирга қўшиб олиб бориш, қурилишнинг бир маромдаги конвейери ва объектларни гарантия паспортлари билан тўла-тўкис битказиб топшириш ишида, шунингдек қишлоқдаги уй-жой қуриш кооперациясини ташкил этиш ва ривожлантиришда ижобий тажриба орттирдингиз.

КПСС XXVI съездининг мамлакат озиқ-овқат программасини амалга ошириш негизи бўлмиш қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш тўғрисидаги қарорлари қишлоқ қурувчилари олдига колхозлардаги капитал қурилишни такомиллаштириш соҳасида янги, янада мураккаброқ вазифалар қўяди.

1981—1985 йилларда колхозлараро қурилиш ташкилотлари камида икки миллиард сўм капитал маблағ ўзлаштиришлари, ўнлаб янги йирик чорвачилик ва паррандачилик комплексларини, кўп миқдорда уй-жой, мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари, клублар, маданият уйлари, кутубхоналар, маиший комбинатлар, коммунал корхоналар ҳам бошқа маданий ва маиший муассасаларни ишга туширишлари лозим.

Қишлоқларни қайта қуриш соҳасида катта ҳажмдаги ишлар қилиниши керак. Шу сабабли ҳамма жойда яшаш учун юксак даражадаги қулайликлар яратилган замонавий уй-жой биноларини маданий-маиший объектлар билан биргаликда қуришни кенг миқёсда авж олдириш, майда қишлоқларни тугатиш ва қишлоқ аҳолисини обод посёлкаларга кўчириш программасини изчиллик билан амалга ошириш зарур.

Бутун куч ва воситаларни ишга туширишда ва энг муҳим қурилишларга янада марказлаштиришга, чала қурилишлар ҳажмини қисқартиришга, фан-техника тараққиётини бутун чоралар билан жадаллаштиришга, қурилиш ишлари самарадорлигини ва меҳнат унумдорлигини оширишга, илгор тажрибани ва биринчи навбатда Н. Злобин методи асосидаги бригада пудратини жорий этишга асосий эътибор берилиши ҳамда шу йўл билан қурилиш мудатларини қисқартиришга, уларнинг қийматини камайтириш ва сифатини яхшилашга эришиш лозим.

Азиз ўртоқлар, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети сизларга самарали иш, сиҳат-саломатлик, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди тарихий қарорларини амалга оширишдаги меҳнатингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ СУРЪАТИ ЖАДАЛЛАШТИРИЛСИН

21 апрель куни Тошкентда Узбекистон ССР колхозлараро қурилиш ташкилотларининг IV съезди бўлиб ўтди. Съездда давлат-кооператив бирлашмасининг ўтган беш йил мобайнида колхозларда олиб борган қурилиш ишлари якунлари ҳамда КПСС XXVI съезди ва Узбекистон Компартияси XX съезди қарорларини бажариш соҳасидаги вазифалари муҳокама қилинди. Съездда республика колхозлараро қурилиш ташкилотларининг вакиллари билан бирга Россия Федерациясидан, Украина, Қозоғистон, Озарбайжон, Молдавия, Туркманистон, Эстониядан келган меҳмонлар иштирок этдилар.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг табрикномасини съезд қатнашчилари самимий кутиб олдилар. Табрикномани Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. А. Ҳўжаев ўқиб эшиттирди.

Съездда «Узколхозстрой» правлениесининг раиси Э. А. Ашуров ҳисобот доклади қилди.

Съезд қатнашчилари «Узколхозстрой»нинг ўтган беш йил мобайнида олиб борган ишларини атрофлича таҳлил этиб, колхозларнинг қурилиш ишларига ажратадиган маблағларини кооперациялаш объектлар қурилишини жадаллаштириш, уларнинг сифатини ошириш ишларини берганлигини уктириб ўтдилар. Шу билан бирга қишлоқдаги капитал қурилишни ривожлантириш учун мавжуд имкониятлардан ҳалол ҳам тўла-тўкис фойдаланилмаяпти. Қурилиш комбинатларининг қувватларини ошириш, корхоналарни реконструкциялаш негизида моддий-техника базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган масалаларга съездда катта эътибор берилди. Ингма темир-бетон ва гишт ишлаб чиқарадиган 34 та заводни кенгайтириш ва қайта ускуналаш кўзда тутилган. Ишларни механизациялашни давом эттириш, қўл меҳнати салмогини камайтириш, йиғма конструкциялардан, енгил материаллардан янада даражасиз миқёсда фойдаланиш, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш қишлоқ қурилишини такомиллаштиришга имкон беради. Илғор тажрибани, аввало мамлакатнинг машҳур бинокори Николай Злобин методи асосидаги бригада пудратини оммалаштириш — қурилиш муддатларини жадаллаштиришдаги муҳим резервдир. Съездда «Орёлликларнинг узлуксиз усули» принципига биноан пухта қурилиш конвейери йўлга қўйилган Бухоро, Наманган, Фарғона ва Қашқадарё трестлари коллективларининг иши намуна қилиб кўрсатилди.

«Узколхозстрой» ташкилотлари ўн биринчи беш йилликда катта ҳажмдаги ишларни бажаришлари лозим. Бирлашма коллективи КПСС XXVI съезди қарорларига конкрет иш билан жавоб бериб, икки миллиард етмиш миллион сўмлик, яъни ўтган беш йилликка нисбатан 524 миллион сўмлик кўп қурилиш-монтаж ишларини бажаришни, икки миллион квадрат метрдан зиёд уй-жой, иккі юзта клуб ва маданият уйи, кўпдан-кўп мактаблар, болалар боғчалари, касалхоналар, бошқа маданий-маиший объектлар қуришни белгилади. Мана шуларнинг ҳаммаси қишлоқ меҳнаткашларининг турмушини яхшилашда, майда қишлоқларни тугатишдек муҳим вазифани ҳал этишда янги қадам қўйиш имконини беради. Чорвачилик комплекслари, хўжаликлараро паррандачилик фабрикалари, сабзавот ва мевани қайта ишлайдиган заводлар, пахта сақланадиган омборлар қурилишида бирлашманинг роли муҳим бўлади.

Съездда қишлоқ қурилишлари учун мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш, қурувчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш масалалари кўриб чиқилди.

Съезд Узбекистон ССР колхозларда қурилиш давлат-кооператив бирлашмасининг раҳбар органларини сайлади.

1981-1985 йилларда республика колхозлараро қурилиш ташкилотларини ривожлантиришнинг КПСС XXVI съезди қарорлари асосида ишлаб чиқилган асосий йўналишлари тасдиқланди.

Съезд ишида Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Е. Айтмуротов, Узбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Р. С. Ашуралиев қатнашди.

* * *

«Узколхозстрой» кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда бирлашма правлениеси сайланди. Э. А. Ашуров яна правление раиси қилиб сайланди.

(ЎзТАГ).

ЭЛЧИХОНА ЗИЁРАТ ҚИЛИНДИ

21 апрель куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари М. С. Горбачев, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари В. А. Карлов, В. К. Месяц, З. Н. Нуриев, КПСС Марказий Комитети бўлими мудирининг ўринбосари О. А. Чуканов ГДРда социализм қурилишининг ғаиб қатнашчиси, Совет Иттифоқининг содиқ дўсти, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитетининг секретари Герхард Грюнеберг бевақт вафот этганлиги муносабати билан ГДРнинг Москвадаги элчихонасини зиёрат қилдилар ва таъзияномалар китобига ҳамдардлик сўзларини ёзиб қолдирдилар.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЪМИНОТИ ИТТИФОҚ-РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Узбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги нефть маҳсулотлари таъминоти ва реализация бош бошқармаси негизида Узбекистон ССР Нефть маҳсулотлари таъминоти иттифоқ-республика давлат комитети тузилсин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Г. ҲАЙДАРОВА.

1981 йил 21 апрель.
Тошкент шаҳри.

ТИНЧЛИК ФОНДИГА

Ҳамза номидаги Ленин орденли Узбек давлат академик драма театрининг мухлислари куни кеча одатдан ташқари, яъни театрнинг дам олиш кунида спектакль томоша қилдилар. Таниқли совет драматурги Т. Минуллиннинг икки пардали комедияси асосида саҳналаштирилган ва яқинда премьераси бўлган «Алмандар» спектаклидан тушган бу ғалги маблағ кишиликнинг энг эзгу, энг олий мақсади бўлмиш тинчликка хизмат қиладиган фонд ҳисобига ўтказилди. Театрга ташриф буюрган кўп сонли санъат мухлислари коллективнинг бу хайрли ишини қизғин қўллаб-қувватладилар.

Тинчлик фондига маблағ ўтказиш Ҳамза номидаги театр ҳаётида биринчи марта эмас. Бу ерда ишлаётган коллектив ҳар йили дам олиш кунларидан бирида спектакль кўрсатиб, ундан тушган маблағни Тинчлик фондига ўтказиб келади. Масалан, ўтган йили Узбекистон ССР халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони» комедиясидан тушган пул шундай қилинган эди.

— Дунёда тинчликни сақлашга ҳар бир эзгу ниятли инсон ўз ҳиссасини қўшиши шарт, — дейди «Алмандар» спектаклида бош ролни ўйновчи Узбекистон ССР халқ артисти Ғани Аъзамов. — Чунки, киши ҳаётининг бош маъноси биринчи навбатда шуни тақозо этади. Шунинг учун ҳам тинчликни сақлаш ишига ҳисса қўшаётганимиздан беҳад бахтиёрмиз.

ЛЮКСЕМБУРГЛИК МЕҲМОН

Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Люксембург ташқи ишлар давлат секретари П. Хельмингер Узбекистон ҳаёти билан танишмоқда.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев 21 апрель куни П. Хельмингерни қабул қилди. Бўлиб ўтган суҳбатда СССРнинг Люксембургдаги элчиси К. Б. Удумян иштирок этди.

(ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитети аъзоси, СССР Олий Совети депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, газ саноати министри Собит Отаевич **Оружев** 1981 йил 20 апрель куни оғир касалликдан сўнг 69 ёшида вафот этганини чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йил, ҳалол ишлаганлиги учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ишлар мудирлиги масъул ижрочиси ўртоқ Евдокия Петровна **Руденкони** Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — АМАЛДАГИ ЛЕНИНИЗМДИР

БАШОРАТ ҚУДРАТИ

Гениал сиёсатчиларнинг ўзига хос фазилатлари шундаки, уларнинг интуицияси афсонавий даражада кучли бўлади, дейишади. Бундай гапларда қисман бўлса-да ҳақиқат борлигига шубҳа йўқ. В. И. Ленининг сиёсий интуицияси тан берарли даражада эди. У хилма-хил вазиятларда нималар юз бераётганини, нималарни кутишни ва қандай ҳаракат қилишни биларди. Ленининг интуицияси, яъни воқеаларнинг боришини олдиндан кўра билиши, фаҳмлай олиши аввало чуқур илмий таҳлил ва жуда катта тажрибага таянади.

Ленин тарихий воқеаларнинг қандай ўтишини ўнлаб марта олдиндан кўра билди, ишчилар ҳаракатини шу воқеаларга тайёрлади ва шу сабабли у ҳал қилувчи дақиқаларда ғалаба қозонди. Маълумки, у биринчи жаҳон урушини, Россия чоризмининг инқирозини, Россияда биринчи социалистик давлатнинг яратилишини олдиндан кўра билди, Брест сулҳи тўғрисида музокаралар давом этаётган кунларда эса Кайзер Германиясининг инқирозини, буржуазия дипломатиясининг Советларга қарши фронти ёриб ўтилишини, империализм мустамлакачилик системаси емирила бошлашини, миллий озодлик ҳаракати жаҳон майдонига кўтарилиши ва бошқа жуда кўп воқеаларни олдиндан кўра билди. Ленин чет эллик коммунистлар билан улар мамлакатидаги айрим проблемаларни муҳокама қилиш вақтида воқеаларни олдиндан кўра билиши билан уларни кўп марта ҳайратга соларди.

Жуда ноёб ва аниқ илмий анализ Ленинга чет мамлакатлардаги воқеаларни, уларда юз бериши мумкин бўлган ўзгаришларни олдиндан кўра билиш, душманлар кучини, ишчилар синфи кучини, айрим кишиларнинг кучини реал баҳолай олишга имкон берарди. Бу ўринда ҳам Ленин ҳеч қандай вайсақилик ва юзакичиликка йўл қўймас эди. Унинг таҳлиллари ҳозир мавжуд бўлган нарсаларгагина эмас, балки шу нарсалардан келажакда нималар юз беришига ҳам асосланарди.

Бироқ халқаро синфий курашда сиёсий вазиятни илмий асосда таҳлил қилишнинг ўзи етарли эмас. Илмий тафаккур ҳамиша ҳам стратегик моҳирлик билан боғлиқ бўлавермайди. Ленинда эса ҳар иккиси ҳам бор эди.

Ленининг стратегик даҳоси жуда катта мавзудир. Биз атиги бир мисол келтириб ўтамиз. Бундай мисоллар жуда кўп. Лекин бир мисолнинг ўзида ҳам жаҳон ишчилари революцион ҳаракати учун Ленининг стратегик даҳоси нақадар муҳимлиги равшан бўлади.

1919 йил апрелида Мюнхен ишчилари Бавария Совет Республикасини туздилар. Уларнинг раҳбарлари садоқатли коммунистлар, марксча назария билан таниш кишилар эди. Лекин уларда революцион тажриба етарли эмас эди. Бавария ва Умумгермания контрреволюцияси кучли, муғомбир ва шафқатсиз бўлиб, у дарҳол қайта ҳужумга ўтди. Ишчилар ҳокимияти хавф остида қолди. Кўп нарса шу кунларда Бавария коммунистлари ўзларини қандай тутишларига боғлиқ бўлиб қолди. Буржуазия бутун қуроллари билан Мюнхенга ташлангунга қадар улар ўз позицияларини сақлаб қола оладиларми, мустаҳкамлай оладиларми?

1919 йил 27 апрелида Ленин Бавария Совет Республикаси раҳбарларига Будапешт орқали табрик йўллайди. Табрикда бундай сўзлар бор:

«Буржуазия жаллодлари Шейдеманлар ва Кога қарши курашиш учун қандай чора кўрдингиз, шаҳар участкалари бўйича ишчилар ва хизматкорларнинг Советларини туздингизми, ишчиларни қуроллантирдингизми, буржуазияни қуролсизлантирдингизми, ишчиларга, айниқса батракларга ва майда деҳқонларга дарҳол ва кенг ёрдам кўрсатиш учун кийимкечак ва бошқа маҳсулотлар омборларидан фойдаландингизми, Мюнхенда фабрикаларни ва капиталистларнинг бойликларини, шунингдек, Мюнхен атрофидаги капиталистик деҳқончилик хўжаликларини экспроприация қилдингизми, майда деҳқонлар учун ижара ҳақини бекор қилдингизми, батраклар ва қора ишчилар иш ҳақини икки ёки уч баравар кўпайтирдингизми?... Шу ҳақда тез-тез ва конкрет хабар қилишингизни сўраймиз... Бу ва шундай чораларни шошилинч тарзда кенг кўламда амалга ошириш... Сизнинг аҳволингизни мустаҳкамлайди».

Ленининг табриги ана шундай эди. Бу ҳужжат нима ўзи? Сиёсий программа лойиҳасими? Шуғина эмас. Бу революция стратегининг мукаммал, ғоят қисқа оператив диспозицияси эди.

Ленин Мюнхендан узоқда туриб, у ердаги аҳволнинг қандайлигини телеграф ёки телефон орқали билиш имкониятидан маҳрум бўлса-да, шунга қарамай, у ердаги воқеаларнинг моҳиятини тўғри фаҳмлаб, революция кучларига нималар қилиш кераклиги тўғрисида аниқ ва конкрет маслаҳатлар беради. Бирорта ҳам қўмондон қандай ғалаба қилиш тўғрисида бу қадар қисқа ва аниқ шаклда маслаҳат бера олмасди.

Ленининг телеграммаси кеч қолди. У эгасига етиб боргунга қадар Бавария Совет Республикаси қонга ботирилди. Лекин Ленининг ҳужжати унинг революцион стратегияси қудратининг классик намунаси сифатида ҳамиша қолади. Ўша вақтда қаҳрамон Бавария коммунистларида ушбу стратегияни амалга ошириш учун кўпроқ тажриба ва кўпроқ вақт бўлганда эди, балки фақат Баварияннинг ўзида эмас, ундан кейин бутун Германияда ҳам воқеалар бошқача ривож топган бўларди.

Жаҳон ишчилар ҳаракати проблемаларини ҳал этиш вақтида Ленининг илмий таҳлили ва стратегик маҳорати нималарга асосланарди, деган савол туғилади. Ҳамма маълумотлар шундан дарак берадики, марксча назарияни чуқур билишдан ташқари, ишчилар ҳаракати тўғрисида ва умуман чет элдаги ишлар тўғрисида ҳар томонлама хабардорликка асосланади.

Ленининг вақтида ҳозиргидаги каби қудратли ахборот воситалари йўқ эди. Лекин ўша вақтда ҳам ер юзидаги ишлар тўғрисида Ленинданхабардорроқ одам йўқ эди. Бунга у қандай қилиб эришарди? Мана бир мисол: Венгрия Коммунистик партияси асосчиларидан бири Л. Рудаша 1919 йил баҳорида Ленин билан суҳбати ҳақида шундай ҳикоя қилади:

«— Венгрияда қанча қишлоқ хўжалик ишчилари ва камбағал деҳқонлар бор? — деб сўради у бирданига.

Урушдан олдинги Венгрия маълумотларига асосланиб, мен тахминан 4 миллион киши, деб жавоб қилдим.

— Шунча кўпми? — ҳайрон бўлиб сўради Ленин... — Эҳтиёт бўлинг, — деди у жиддий оҳангда. Бундай нарсаларга ғоят масъулият билан ёндашмоқ керак. Кеча мен сизларга қўшни бўлган мамлакат коммунистик партияси раҳбарларидан бири билан учрашдим. Унга ҳам шу саволни берган эдим, жавоб қайтаролмади. Ўз ватанида синфий кучлар нисбати қандайлигини, энг муҳими ўз мамлакатида қишлоқ хўжалик пролетарлари ва ярим пролетарлари қанча эканлигини билмаса, у қандай коммунист бўлди?».

В. И. Ленин синфий кучлар тўғрисидаги маълумотларни саркарда жанг майдонидаги дивизиялар ва армиялар нисбатини ўргангандек пухта ўрганар эди. Шунинг учун ҳам жаҳон сиёсатининг барометри ҳар куни унинг кўз оллида эди. У шу қадар кўп нарсани билар ва тушунар эдики, бу билан қардош партияларнинг тажрибали ва хабардор раҳбарларини ҳам ҳайратга соларди.

Ленин ўз маслаҳатлари билан чет эл коммунистларига ёрдам берарди. Лекин ҳамиша ўзи ҳам ўрганишга, улардан ҳам билим олишга интиларди. Шунинг учун ҳам у ҳамма нарсадан ғоят хабардор эди. Бу эса унинг жаҳон ишчилар ҳаракатини йўналтириш маҳоратининг «сирлари»дан бири эди.

Эрнст ГЕНРИ,
ёзувчи.
(АПН).



Улуғ доҳий В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолияти билан таништиришнинг чинакам илмий ва маданий маркази бўлган қошонага зиёратчилар оқими тобора кўпаймоқда. Суратларда (чапдан) В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалининг кириш зали ва Тошкент давлат университетида таълим олаётган афғонистонлик студентлар улуғ доҳий ҳайкали ёнида.

Р. Шагаев ва К. Минайченко фотолари. (ЎзТАГ).

АЛ ХОМИСИН.

ЛЕНИН

Тинглаяпман,
Яна, шодликка тўла,
Ер курраси билан
урмоқда қалбинг.
Мен кўриб турибман,
Ўт меҳринг ила,
Олис қитъаларни қутлаш
матлабинг.
Доҳий туғилган кун...
Албат бу кун —
янги баҳорлар,
Янги гўзалликлар билан
қайтарлар.
Не улуғ номларни билар
сарҳадлар,
Лекин,
«Ленин» сўзин севиб
айтарлар.
Сен айтган сўзларнинг
бари адолат,
Бу сўзлар —
Муқаддас иш,
қурашларга чорлайди.
Сен бошлар йўлларнинг
сўнгги саодат.
Қирмизи байроқлар
ҳам ҳилпирайди.
Эшитяпсанми!
У ёқларда, чиркин
дунёда —
Занжир чил бўлмоқда
ёш қўллар билан.
Тинглаяпман,
Фарзандлар кураш,
туғёнда
Эсларлар,
Шаҳид оталарин
кўз ёшлар билан
Замонлар гувоҳлик берар,
бу ростдир,
Фозил, донолари
дунё кўп кўрди.
Лекин,
Баридан фозилроқ ва
муқаддас бир
Ном —
Ленин номи буюклардан
буюкроқ турди.
Доҳий туғилган кун...
Албат бу кун —
янги баҳорлар,
Янги гўзалликлар билан
қайтади.
Не улуғ номларни билар
сарҳадлар,
Лекин,
Ленин номин юрак
билан айтади.

Эътибор ОХУНОВА таржимаси.

ТАБАРРУК ОТАХОН

Муҳаммадвали Бурнашев улуғ доҳий Лениндек буюк даҳони кўриш, гаплашиш ва унга хизмат қилиш бахтига муяссар бўлган табаррук инсон.

1917 йил декабрида Халқ Комиссарлари Советига шоферлар кераклигини эшитиб, Совнаркомга бордим. Ўшанда Смольнийда В. И. Ленинни қиндан кўрдим ва суҳбатлашдим. Владимир Ильич мени очиқ чеҳра билан кутиб олди:

— Салом, ўртоқ Муҳаммадвали Сайфулович! Қани, қани, марҳамат, ўтиринг, — дея менга юмшоқ креслога ўтказди. Ҳаяжонланганимдан саломлашиш ўрнига нималарнидир ғулдурагандек ҳамон ёдимда. Владимир Ильич ҳужжатларимни кўра бошлади. Кенг пешанали, ўрта бўйли, жуссаси пишиқ бу кишига қараб ҳайратим тобора ошарди. Шунча ишларни қилган революция раҳбари, партия асосчиси, халқ доҳийси оддийгина бир киши экан. У менга яна Муҳаммадвали Сайфулович деб мурожаат қилди. Ҳалигача ҳеч ким мени шундай деб эъзозламаганди.

— Жуда соз, хўш айтингчи, бизда ишлашни жуда хоҳлаяпсизми?

— Ҳа, Владимир Ильич, хоҳлаяпман.

— Мана бу жуда яхши, жуда соз, муҳими хоҳиш-истак бўлиши керак. Лекин шуни унутмангки, олдимизда катта тўсиқлар турибди. Биз албатта енгиб ўтишимиз керак. Аммо доимо биринчиларга қийин бўлади. Сиз ва биз ўша қийинчиликлардан қўқмаслигимиз керак, кези келганда қурол билан ҳам Совет ҳокимиятини ҳимоя қилиш керак. Келишдикми? Ўртоқ Бонч-Бруевич, айтинг, ўртоқ Бурнашевга револьвер ва мандат беришсин!».

— Биз, — деб ҳиқолсини давом эттирди отахон, — катта қийинчиликларга қарамасдан 1918 йилнинг ёзида Марказий Ижроия Комитетнинг атиги 5 автомобилдан иборат 2-гаражини барпо этдик. Мен бош шофер эдим.

Гаражда машиналар етарли эмаслиги учун автомобиллар ҳукумат аъзоларига шахсан бириктириб қўйилган эмас эди. Хизмат юзасидан кўп марталаб ўртоқ Дзержинскийни, Луначарскийни, Коллонтай ва ҳатто Владимир Ильични ҳам олиб юрдим. Мен кўпинча Ильични кечқурунлари завод ёки фабрикага кечки сменадан кейинги ишчилар йиғилишларига олиб борардим, кечқурун заводдан уйга қайтардик. Шундай кунлардан бирида Ильич машинадан тушаётиб: «Хайр, азизим!» деб менга қўлини узатди. Мен эса ҳижолат тортиб: Владимир Ильич, қўлим қора мой юқи, қўлингизни... Гапимни охирига етказмасимданоқ Владимир Ильич деди: «Янглишасиз, азизим, янглишасиз, ишчи қўли ифлос бўлмайди, буржуйлар қўли ифлос! Ҳа, ҳа, буни эсдан чиқарманг! У қўлимни қаттиқ сиқиб хайрлашди.

Қандай ажойиб инсон! Революция доҳийси мени, азизим, деди. Мана шу бир оғиз сўз, унинг иссиқ кафти ҳарорати ҳамон кучимга куч, белимга қувват бағишлайди.

Табаррук ота Муҳаммадвали Бурнашев инсонларнинг инсони, буюк даҳо эгаси бўлмиш В. И. Ленинни кўрган, у билан бирга ишлаган кезларига оид кўпгина қизиқарли ҳужжатларни музейимизга эсдалик учун топширди. Музей фонди революция, башарият доҳийсининг жўшқин фаолиятига оид яна бир муҳим ҳужжатлар тўплами билан бойиди.

Г. ЭРГАШХЎЖАЕВА,
В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали ходими.

ҲАЯЖОНЛИ ДАҚИҚАЛАР

Совет давлати барпо этилган дастлабки кезлар. Қизил Армия учун ўқимишли, малакали командирлар тайёрлаш лозим эди. Ўша қизғин кунларда большевиклар партияси армияни мустаҳкамлаш, уни қуроллантириш учун тинмай ғамхўрлик қилди. Мени ҳам қизил командирлар тайёрловчи 2-кавалерия курсига ўқишга юборишди. 1919 йилнинг кўкламида машғулотларни бошлаб юбордик. Курсимиз Москва яқинида жойлашган эди. Куз кунларининг бирида курс бошлиғи:

— Эртага сизнинг зиммангизга фахрли топшириқ юкланади, — деди. — Ленин Шарқ халқлари коммунистик ташкилотлари съездида иштирок этади. Сиз съездда соқчилик қиласиз.

Ҳаммамиз парад формасида «Метрополь» меҳмонхонасига етиб бордик. Бу ерда Шарқ халқлари коммунистик ташкилотларининг II Бутунроссия съездига турли миллатларнинг вакиллари йиғилишганди.

Бизлар тегишли жойларга постга турдик. Съезд ўз ишини бошлашидан уч минутлар чамаси олдинроқ эшик очилиб, ўрта бўйли, елкадор киши тез-тез қадам ташлаб кириб келди. Зал гуриллаб кетгандек бўлди: «Ленин!» «Ленин келди!» Турли тилларда бу сўзлар бир хил жаранглаб эшитилларди. Ильич бўлса, соқчилар ёнидан ўтиб борар экан, янгигина шинель кийиб олган курсантларга бир дам тикилиб қолди.

— Қаердансиз, йигитлар? — сўради Ильич.

Биз бўлсак бутун борлиғимиз билан доҳийга маҳлиё бўлиб туриб қолган эдик.

— Қизил командирлар 2-кавалерия курсларининг курсантлари! Съезд ишини кўриқлаш учун келдик! — деб рапорт берди старшина Апортов.

Шу куни, 1919 йилнинг 22 ноябрида В. И. Ленин съездда ҳозирги аҳвол тўғрисида, Шарқ халқларининг империализмга муносабати ва улар ўртасида революцион ҳаракат хусусида доклад қилди.

Доҳий Шарқ халқлари ўртасида революцион кўтарилишнинг ўзига хос хусусиятларига алоҳида тўхталди. Қолоқ чекка ўлкаларда феодализм қолдиқларига ва капитализмга қарши курашда рус пролетариати билан ёнма-ён қадам ташлаётган революцион кучларнинг фаолиятига катта баҳо берди.

Орада шунча вақт ўтди. Бугун биз Ильич ғоялари, Улуғ Октябрь ғоялари тантана қилаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Эндиликда Шарқ халқлари социал тараққиёт ва тинчлик учун курашнинг олдинги сафларида бормоқдалар. Гуллаб-яшнаган Ўзбекистонимиз бўлса бу сафларнинг олдидаги маёқ бўлиб турибди.

И. БЕКЖОНОВ,
1919 йилдан партия аъзоси, истеъфодаги генерал-майор.

МАРКСИЗМНИНГ БУЮК ГЕНИЙСИ

НАЗАРИЯ МАСАЛАЛАРИ

Совет кишилари коммунистик қурилишнинг КПСС XXVI съезди белгилаб берган улуғвор вазифаларини юксак кўтаринки руҳ билан бажаришга киришиб, Улуғ Ленин туғилган кунинг шонли 111 йиллигини халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида оламшумул тарихий муваффақиятларга эришган ҳолда кутиб олмоқдалар.

Илм-фаннинг буюк донишманди В. И. Ленин ўз революцион фаолиятининг дастлабки қадамларидан бошлабоқ марксизм таълимотини ўзига чуқур сингдирган ва бу таълимотнинг жонли, ижодий характерини очиб бериб, уни революцион ҳаракат учун дастурламал деб билганди.

В. И. Ленининг буюк хизматларидан бири шундаки, у К. Маркс, Ф. Энгельс вафотидан кейинги даврда пайдо бўлган фаннинг янги проблемаларини фалсафий жиҳатдан тадқиқ қилди ва умумлаштирди, марксизм фалсафасини янги хулосалар билан бойитди ва фалсафий фикр тараққиётида бутун бир даврни — ленинча босқични яратиб берди. Бу босқич XVIII аср охиридан — Россия жаҳон революцион ҳаракатининг асосий ҳалқасига, ленинизмнинг Ватанига айланган даврдан бошланади. «Халқ дўстлари нима ва улар социал-демократларга қарши қандай курашадилар?» деган биринчи йирик фалсафий асар ана шу босқичнинг муқаддимасидир.

В. И. Ленин «Нима қилмоқ керак». «Бир қадам олга, икки қадам орқага» ва «Демократик революцияда социал-демократиянинг икки тактикаси» деган асарларида рус ва халқаро оппортунизмга қарши кескин курашиб, партия тўғрисидаги марксистик таълимотни яратди, янги типдаги революцион партиянинг идеологик, ташкилий ва тактик асосларини ишлаб чиқди.

Улуғ доҳийнинг 1909 йилда нашр қилинган «Материализм ва эмпириокритицизм» асарининг бевосита давоми бўлган бу илмий-назарий мерос Владимир Ильичнинг асосан 1915—1916 йилларда фалсафа ва табиётшуносликка оид асарларни ижодий тарзда ўрганиши, таҳлил қилиши ва умумлаштириши асосида ёзган танқидий мулоҳазалари, кўчирмалари, баҳолари ва конспектларининг тўпламидан иборат. Бу конспектларнинг ҳаммаси ўнта дафтар бўлиб, улар марксистик фалсафа масалаларига доир бир қанча муҳим қоидаларни ва фрагментларни ўз ичига олади.

Материалистик диалектика эса табиёт фанлари эришган ютуқ ва ихтиролардан тўғри илмий хулосалар чиқаришга имкон берувчи энг революцион, изчил философик таълимотдир. У борлиқни билиш ва изоҳлашнинг бирдан-бир илмий материалистик методидир. Шунинг учун диалектик материализм барча махсус фанлар учун ғоявий-назарий асос бўлиши билан бирга, методологик илмий дунёқараш ҳамдир; у табиёт фанлари учун ҳам, ижтимоий фанлар учун ҳам йўл кўрсатувчи йўлчи юлдуз — компас хизматини ўтайди; улар эришган ютуқларни фалсафий материализм асосида умумлаштиради, уларга методологик йўналиш беради; воқеликни тўғри ва илмий негизда тушуниш ва изоҳлаш имконини беради. Шу сабабли воқеликнинг муайян соҳаларини ва қонунларини ўрганувчи ҳар бир фан диалектик материализмнинг ёрдамисиз тўғри йўналиш ололмайди.

Ҳозирги замон фанларининг қўйгина мураккаб проблемалари, жумладан, объектив оламни ва унинг қонуниятларини билиш, мумкинлиги ҳақидаги, тафаккурнинг логик категорияларини ишлаб чиқиш тўғрисидаги, шунингдек, табиат, жамият қонунларини очишга таалуқли бир қатор назарий ва методологик масалаларни философия билан табиёт фанларининг ижодий ҳамкорлигидагина ҳал этиш мумкин бўлди. **Табиётшунослик,** — деган эди В. И. Ленин, — **ўз руҳи билан материалистикдир; у диалектик материализм йўлидан борди, бораётир ва боради; у идеализм ва фидеизмни улоқтириб ташлади ва ташлайди. Лекин табиётшунослар диалектик материализмни қанчалик чуқур билсалар ва онгли равишда қўллай олсалар, бу процесс шунчалик тез ва муваффақиятли бўлади.**

* * *

Владимир Ильич фалсафа тарихини тадқиқ қилиш соҳасида ҳам, хусусан тарихий материализмнинг деярли барча масалаларида ҳам баракали ижод қилди; тарихда халқ оммаси ва шахснинг роли, синфлар ва синфий муносабатлар масаласида, шунингдек давлат ва ҳуқуқ, этика ва эстетика, маданият ва тилшунослик каби ижтимоий фанларнинг бошқа соҳаларида бизга бебаҳо илмий-ғоявий мерос қолдирди. У барча ижтимоий фанларнинг, шу жумладан философиянинг жамият ҳаёти ва илм-фан тараққиёти билан боғлиқ эканлигини, унинг синфий ва жанговар партиявий характерини чуқур асослаб берди. В. И. Ленин марксистлар орасида биринчи бўлиб, капитализмнинг монополистик босқичини илмий асосда мукаммал анализ қилди ва шу асосда социалистик революциянинг янги мукаммал назариясини ишлаб чиқди.

Коммунистик партия пролетар революциясининг ленинча назарияси билан қуролланиб, улуғ Ленин бошчилигида Россия ишчилар синфини ва деҳқонларини янги социалистик тузум учун қатъий курашга тайёрлади, революцион кураш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқди, бу курашга раҳбарлик қилди ва социалистик революциянинг ғалабасини ҳамда социалистик давлат барпо этишни таъминлади.

СССРда социализм тўла ва узил-кесил ғалаба қозониб, ривожланган социалистик жамият қурилганлиги КПСС билан совет халқининг Ленин ғояларини рўёбга чиқариш соҳасидаги фаолиятининг жаҳоншумул-тарихий якуни, марксча-ленинча революцион фаннинг буюк тантанаси бўлди. Маълумки, КПСС XXVI съезди коммунистик қурилишнинг навбатдаги вазифаларини белгилаб, **бутун аҳолини илмий коммунизм руҳида тарбиялаш, уларда марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириш вазифасини илгари сурди.** Бу вазифани муваффақият билан амалга ошириш социалистик идеологиянинг таъсири ва ҳужумкорлигини кескин оширишни ҳамда фан, техника соҳасидаги тадқиқотларни янада интенсив ривожлантиришни, ижтимоий фанлар билан табиёт фанлари ҳамкорлигини тағин ҳам мустаҳкамлашни тақозо этади. Партиямиз ижтимоий фанларни жамият тараққиётига раҳбарлик қилишнинг илмий негизи деб ҳисоблаб, уларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини экономика, фалсафа, социология, тарих ва ҳуқуқ проблемаларини коммунистик қурилиш практикаси билан боғланган ҳолда ишлаб чиқишга қаратмоқда.

Марксизм-ленинизм руҳи билан суғорилган совет фани жаҳон фанининг олдинги сафида бораётир. Эндиликда совет фани мамлакатимизни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг, шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятни янада равнақ топтиришнинг асосларидан бири бўлиб қолди. 1981 йилда илмий-тадқиқот ишлари учун давлат бюджетидан 22,6 миллиард сўм, яъни 1980 йилдагига қараганда 6 процент кўп маблағ ажратилганлиги факти фикримизнинг ёрқин далилидир.

Маълумки, тарихий тараққиётнинг ҳозирги босқичи капитализм билан социализм ўртасидаги сиёсий-идеологик курашнинг ғоят кескинлашиб бораётганлиги билан характерланади. КПСС XXVI съездида қайд қилинганидек, коммунизмга қарши пропаганданинг бутун жуда катта аппарати ҳозир социалистик мамлакатлар, халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини бўшаштиришга, ҳозирги замоннинг илғор кучларини пароканда қилишга, социалистик жамиятга ичкаридан путур етказишга уринишга қаратилган. Шу сабабли ҳозирги вақтда буржуа идеологиясига қарши муросасиз кураш олиб бориш, барча меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни янада кучайтириш партиямиз ғоявий-тарбиявий ишининг асосий вазифаси бўлиб қолди.

«Партия В. И. Ленининг ғоявий меросига мурожаат қилар экан, — дейди ўртоқ Л. И. Брежнев, — **Ленин фикрлари, ленинча методология асосида коммунистик қурилишнинг актуал проблемаларини ҳал этишни ўзининг энг муҳим вазифаси деб билади».** Партиямиз улуғ Ленининг илмий-практик меросига оғишмай, изчиллик билан амал қилиб, халқимизни коммунизм тантанаси сари олға бошлаб бормоқда.

З. ИСАМУҲАМЕДОВ,
доцент.

ЗИЁРАТГОҲ

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали... Илк баҳорнинг шу нашидали кунларида муқаддас зиёратгоҳга келаётганларнинг оқими узилмайди. Кўпчилик зиёратчилар музейнинг «Ленин ва Туркистон», «Ленин ва Шарқ» экспозицияларини алоҳида эътибор билан кўздан кечирмоқдалар. Бу ердаги материалларни ўқиб ўрганаётганлардан бири — Андижон область Избоскан район «Партия XX съезди» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Абдусамат ака Тиллабоев. Ташриф боисини сўраганимизда донгдор хўжалик раҳбари бундай деди:

— Мен Тошкентга келсам, биринчи навбатдаги ишим Ленин музейини зиёрат қилиш бўлади. Ҳар сафар катта таассуротлар билан бир бор кўриб чиқаман. Янги фикр оламан.

Шу кунларда музейни ҳар куни мингдан зиёд киши зиёрат қилмоқда. «Биз интернационалистлармиз», «Ленин партияси съездан съездгача» экспозициялари уларга шу кунинг муҳим қирраларини фотовиставка ва статистика маълумотлари тили билан ҳикоя қилиб бермоқда.

Доҳий туғилган кун муносабати билан «Ривожланган социализм мамлакати ва коммунизм қурилиши» ҳамда «Ленинизм ва жаҳон революцион жараёни» бўлимлари янгидан ташкил этилди.

Музей ленинча яшаш ва халққа хизмат қилишга даъват этувчи муаззам кошонадир.

М. АВЕЗОВ.

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

КОЛХОЗЧИЛАР ЁРДАМИ

Вобкент райони марказида барпо этилаётган тўқимачилик фабрикаси қурилишига икки юздан ортиқ колхозчи ҳашарга келди. Райондаги Калинин номли, «Зарафшон» ва бошқа колхозларнинг деҳқонлари маълум бир муддат ичида ғишт терувчилик, бетончилик қилдилар, ер суриш ишларини бажардилар.

Қишлоқ меҳнат аҳли Бухоро тўқимачилик комбинатининг қадимий Вобкент қишлоғи марказида қурилаётган филиалида меҳнат қилаётган ишчи ва қурувчиларга ҳашарга бориб катта ташаббус бошладилар.

Фабрика шу йилнинг ўзида ишга туширилади. Бу ерда 560 та дастгоҳ ўрнатилиб, ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида 3,6 миллион метр газлама тўқиб чиқарилади.

Бўлажак корхонанинг қурилиш майдонида ҳамма ишлар графикдан олдин бажарилмоқда. Корпусларнинг пойдеворн тўла битказилди, бош корпуснинг ярмидан кўпроғи тикланди, маъмурий ва уйжой бинолари қурилиши поёнига етказилмоқда. Фабрикаларнинг ташқи территориясини ёритиш ва бошқа ишлар ҳам муддетидан олдин бажарклди. Тез орада барча ишлар якунланиб, янги фабрика маҳсулот бера бошлайди.

ТАЖРИБА МАКТАБИ

Наманган шойи газламалар комбинатининг илғор тўқувчиси Н. Баранованинг номи корхонада кенг тарқалган. Яқинда унинг иш тажрибасини ҳикоя қилиб берувчи бир туркум плакат чиқарилди. Корхона партия комитети ва меҳнатни илмий ташкил этиш хизматининг ходимлари тайёрлаган плакатларда Узбекистон Компартияси XX съезднинг делегати Н. Баранованинг меҳнатдаги ютуқлари қай тарзда қўлга киритилаётгани атрофлича баён этиб берилган.

Илғор тўқувчи ўз фаолиятида вақтдан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор беради. У иш вақтида ҳатто секундларга ҳам катта эътибор билан қарайди. Дастгоҳларни кузатишга, машиналарнинг бир меъёрда ишлашини таъминлашга, узилган ипларни улашга ва бошқа юмушларга ажратилган вақтнинг ҳаммасидан унумли фойдаланади. Масалан, узилган ипларни улашга одатда 33 секунд вжратилган. Илғор ишчи эса бу ишни 25 секундда адо этади. Ҳар бир иш жараёнидан оз-оздан тежаб қолинган вақт унинг учун қўшимча иш бажариш имкониятини яратмоқда. Натижада нормадаги 15 та дастгоҳ ўрнига 20 та машинада ишламоқда. Ў ҳар бир дастгоҳда топшириқни ортиғи билан бажаришга эришаётир.

Н. Баранованинг иш тажрибаси комбинатнинг илғор тажриба мактабида қунт билан ўрганилмоқда. Бу мактабда эса корхонанинг кўпчилик ёш тўқувчилари ўз устозларининг илғор иш усулларини пухта эгаллаб олиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

В. И. ЛЕНИНГА БАҒИШЛАНАДИ

СОФИЯ. Болгария пойтахтида В. И. Ленин туғилган кунининг 111 йиллигига бағишланган коммунистик шанбалик якунлари эълон қилинди.

Шанбаликда республиканинг миллионлаб аҳолиси қатнашди. Биргина пойтахтнинг ўзида шу куни 800 минг киши меҳнат қилди. Ана шу куни Болгариянинг бошқа шаҳар ва қишлоқларининг аҳолиси катта меҳнат ва сиёсий кўтаринкилик билан ишлади.

ХАНОЙ. Социалистик Вьетнамда ўтган якшанба куни В. И. Ленин туғилган кунининг 111 йиллигига ва ВСР миллий кенгашига навбатдаги сайловларга бағишланган коммунистик меҳнат куни бўлиб ўтди.

Унда Ханой, Хошимин, Хайфон, Куангнянь кўмир шахталари ва карьерларининг юз минглаб меҳнаткашлари қатнашдилар.

ПНОМПЕНЬ. Халқ Кампучияси пойтахтида В. И. Ленин туғилган кунининг 111 йиллигига бағишланган фотокўргазма очилди.

Кўргазма материаллари жаҳон пролетариати доҳийси ҳаёти ва фаолиятининг асосий босқичлари билан таништирмоқда, совет халқининг коммунистик қурилиш ишидаги муваффақиятлари ҳақида ҳикоя қилмоқда. Шу кунларда В. И. Ленин, КПСС, совет кишиларининг бунёдкорлик меҳнати ҳақидаги фильмлар декадаси ҳам бошланди.

ТИНЧЛИК ВА СОЦИАЛИЗМ ИДЕАЛЛАРИ ТАНТАНАСИ УЧУН

БЕРЛИН, 20 апрель. (ТАСС). Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Г. Аксен партия Марказий Комитетининг назарий органи «Айнхайт» журналида қуйидагиларни ёзади: оламшумул тарихий воқеа бўлган КПСС XXVI съездининг қарорлари халқларнинг тинчлик ва коммунизм идеаллари тантанаси йўлидаги қурашига янги муҳим омиллар беради. Съезд СССРнинг бундан буён ҳам собитқадамлик билан тинмай кескинликни юмшатиш сиёсатини ўтказишга қатъий қарор берганлигини намойиш қилди.

Съезд, деб таъкидлайди автор, КПСС билан Совет давлатининг бутун фаолияти тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш ҳамда совет халқи фаровонлигини юксалтиришдан иборат ўзаро узвий боғланган икки вазифани амалга оширишга қаратилганлигини янги куч билан тасдиқлади, Анжуман минбаридан туриб ўртага қўйилган тащқи сиёсат соҳасидаги таклифлар халқаро вазиятни , соғломлаштириш, қуролланиш пойгасига чек қўйиш ва қуролсизланишга қаратилгандир. Совет Иттифоқининг Ғарб билан, энг аввало АҚШ билан ҳозирги замоннинг энг муҳим проблемалари хусусида ижобий мулоқотни қайта бошлашга тайёр эканлиги ана шу мақсадга хизмат қилади. Янги совет таклифларининг моҳияти мураккаб масалаларни ҳал этиш йўлларини бирликда қидириб топишдан иборат.

Совет коммунистларининг анжумани совет жамияти шонли авангарди бўлган КПССнинг коммунизм қуришдаги ошиб боратган раҳбарлик ролини янги куч билан намойиш этди. Съезд ишчи ва деҳқонларнинг ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг ҳаётий ва фаолиятининг асосий босқичлари билан таништирмоқда, совет халқининг коммунистик қурилиш ишидаги муваффақиятлари ҳақида ҳикоя қилмоқда. Шу кунларда В. И. Ленин, КПСС, совет кишиларининг бунёдкорлик меҳнати ҳақидаги фильмлар декадаси ҳам бошланди.

ЖАҲОН ТИНЧЛИК КЕНГАШИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ СЕССИЯСИ

ГАВАНА, 20 апрель. (ТАСС). Гавана конгресслар саройида Жаҳон Тинчлик Кенгаши президиумининг сессияси очилди. Сессияда 80 дан ортиқ мамлакатнинг вакиллари, шу жумладан совет тинчликни ҳимоя қилиш комитетининг делегацияси қатнашмоқда. Сессия кун тартибига тинчлик ва халқаро кескинликни юмшатиш учун, қуролланиш пойгасига ва уруш хавфига қарши курашда биргаликдаги ҳаракатларни янада кенгайтириш масаласи қўйилган. Сессия Лотин Америкасида ва Карибденгизи ҳавзасида вужудга келган вазиятни ҳам кўриб чиқади, шу район халқларининг қуролсизланиш учун, чинакам иқтисодий ва сиёсий мустақиллик учун кураши проблемаларини муҳокама қилади.

Куба Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат Хесус Монтане сессия қатнашчилари ҳузурида сўзлаган табрик нутқида Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг принципиал, амалий тинчликсевар сиёсати тинчликни сақлаб қолиш мумкинлигига бўлган ишонч ва умиднинг гарови эканини айтди.

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг президенти Ромеш Чандра ўз нутқида КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг КПСС XXVI съезди минбаридан баён этиб берган янги совет тинчлик ташаббусларининг муҳим аҳамиятини уқтириб ўтди. Халқлар, жамоатчиликнинг кенг доиралари тинчликни мустаҳкамлашга ва кескинликни юмшатишни чуқурлаштиришга қаратилган амалий тинчлик таклифларини қўллаб-қувватлайди ва АҚШ ҳукуматини шу ташаббусларга ижобий жавоб беришга чақиради. ЖТК барча тинчлик тарафдорларининг ҳоҳиш-иродасини ифодалаб, Европада Америкانинг портловчи ядро қалпоқли янги ракеталари жойлаштирилишига қарши, энг юқори даражада музокаралар ўтказилиши учун, тинчлик зоналарини вужудга келтириш ва халқлар ўртасидаги муносабатларда ишончни мустаҳкамлаш учун кураша беради.

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг президенти «совет хавфи» деган соҳта важни кўрсатиш орқали жаҳон жамоатчилигини чалғитишга уринаётган АҚШ маъмурияти билан НАТО ҳарбий блокининг агрессив сиёсатини кескин қоралади.

СОЦИАЛИЗМ ОДИМЛАРИ

МУСОБАҚА ГОЛИБЛАРИ

Венгрияда ВСИПнинг XII съезди ва мамлакат озод қилинганлигининг 35 йиллиги шарафига ўтказилган социалистик мусобақа якунлари чиқарилди.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини оширишда, хом ашё ва энергияни тежашда энг юқори кўрсаткичларга эришган республикадаги 78 та саноат ва қишлоқ хўжалик корхонаси ҳамда кооперативлар, 300 та социалистик меҳнат бригадаси ана шу умумхалқ ҳаракатининг голиби бўлди. Улар юксак мукофотларга — ВСИП XII съезди фахрий байроқлари ва ёрлиқларига, давлатнинг бошқа мукофотларига сазовор бўлдилар.

СТАНОКСОЗЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Руминниянинг Роман шаҳридаги механика заводида вазни 140 тоннагача келадиган деталларни ишлайдиган мамлакатда биринчи токарлик — карусель станоги тайёрланди. Янги станок деталларни ғоят аниқ ишлайди.

Станоксозлик — Руминия экономикасининг ёш тармоғи бўлиб, у Совет Иттифоқининг техникавий ёрдами билан ривожланди. Бугуги кунда мамлакат заводлари программа ва рақамлар билан бошқариладиган замонавий станоклар ишлаб чиқармоқда. Бу станоклар кўпгина мамлакатларга, шу жумладан СССРга экспорт қилинмоқда.

ОСИЁ УЧУН ТАДҚИҚОТЛАР

БМТ ҳомийлигида ишлайдиган янги тадқиқот маркази Япония пойтахтида қурилади. Кнодо Цусин агентлигининг хабар беришича, БМТ тадқиқот маркази асосан нуфус (демография) масалаларини, табиий ресурсларни, атроф-муҳитнинг ифлосланиши масалаларини ўрганади. Илмий ишларнинг кўпчилик қисми Осиё қитъаси халқлари проблемалари билан боғланган бўлади. Дунёдаги турли мамлакатларнинг 300 га яқин олими БМТ учун тавсияномалар ва БМТ топшириғига мувофиқ конкрет илмий тадқиқот проблемаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади. (ТАСС).

ГДР. Варнемюнддаги «Варнов-верфт» верфида совет буюртмаси бўйича янги туркумдаги биринчи кема қурилмоқда.

АДН—ТАСС фотоси.

Рустам Ҳакимович АБДУШУКУРОВ

Ўзбекистон фани оғир жудоликка учради. Таниқли жамиятшунос олим, философия фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, 1929 йилдан КПСС аъзоси Рустам Ҳакимович Абдушукуров 21 апрель куни бевақт вафот этди.

Р. Ҳ. Абдушукуров 1910 йилда Самарқанд областининг Каттақўрғон районида туғилди. Самарқанддаги педагогика академиясини ва 1933 йилда Москва шаҳридаги Шарқ меҳнаткашлари коммунистик университетини тамомлаб чиққанидан кейин у Тошкент область Мирзачўл райони МТСи Сиёсий бўлими бошлиғининг ўринбосари қилиб ишга жўнатилади, сўнгра эса шу ерда МТС Сиёсий бўлимининг бошлиғи ва район партия комитетининг секретари бўлиб ишлайди. 1937 йилда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети фан ва маданият бўлимининг мудирлигига кўтарилади.

1938 йилда илмий-педагогик ишга ўтади. У 1941-1945 йилларда ҳаракатдаги армияда хизмат қилиб, Улуғ Ватан урушида актив қатнашди. Совет Армияси сафидан қайтганидан кейин Тошкент олий партия мактабининг доценти, Тошкент медицина институти философия кафедрасининг мудири бўлиб ишлади. 1957 йилдан бошлаб Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида катта илмий ходим, философия кафедрасининг мудири, 1971 йилдан эътиборан илмий коммунизм проблемалари секторининг мудири бўлиб ишлайди.

Ирик философ олим бўлган Р. Ҳ. Абдушукуров 1947 йилда кандидатлик, 1964 йилда эса докторлик диссертациясини ёқлайди, у ижтимоий фанларни ривожлантиришга, республика халқ хўжалиги учун юқори малакали илмий кадрлар ва мутахассислар тайёрлаш ҳамда уларни тарбиялашга катта ҳисса қўшди. Юзта илмий асар, шу жумладан «Октябрь революцияси, ўзбек социалистик миллатининг равнақ топиши ва унинг СССР миллатлари билан яқинлашуви», «Қолоқ мамлакатларнинг капитализмни четлаб социализм ва коммунизмга ўтиши ленинча назарияси тантанаси», «В. И. Ленин ва Ленин партияси томонидан коммунизм идеологияси ва сиёсатининг ривожлантирилиши ҳамда улар тантанасининг қонуниятлари» каби ва бошқа монографиялар унинг қаламига мансубдир.

Р. Ҳ. Абдушукуров қаерда ишламасин, у ўз билим ва куч-ғайратини муҳим масалаларни ҳал этишга виждонан ва ҳалоллик билан сарфлади, принципиаллик ва матонат кўрсатди, партия ғояларининг эҳтиросли пропагандисти бўлди.

Партия ва Совет ҳукумати Р. Ҳ. Абдушукуровнинг хизматларига юксак баҳо бериб, уни Ватан уруши ордени, Қизил Юлдуз ордени ҳамда Совет Иттифоқининг кўпгина медаллари билан мукофотладилар. Унга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби фахрий унвони берилди.

Ажойиб олим, камтарин инсон ва принципиал коммунист Рустам Ҳакимович Абдушукуровнинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ш. Р. Рашидов, О. У. Салимов, М. Т. Турсунов, А. Қўчқоров, О. С. Содиқов, С. П. Пўлатов, С. Ш. Шермуҳаммедов, Э. Юсупов, М. М. Хайруллаев, Қ. Х. Хоназаров, И. Д. Жалилов.

«БОБИРНОМА» ФРАНЦУЗ ТИЛИДА

«Советская культура» газетасининг хабар беришича, ЮНЕСКОнинг ташаббуси билан Францияда Ўрта аср ўзбек шоири ва мутафаккири Заҳриддин Муҳаммад Бобирнинг асосий адабий асари — «Бобирнома» француз тилида нашр этилди. ЮНЕСКОнинг қарорига биноан, 1983 йилда Бобир таваллудининг 500 йиллиги нишонланади.

«Бобирнома» ўзбек адабиётида автобиографик жанрдаги асарларнинг илк намунасидир. Фарғонада туғилиб ўсган Бобир ўз ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлади — Афғонистонда, сўнгра Ҳиндистонда истиқомат қилади. Унинг асари ана шу даврларни акс эттириб, уч қисмдан — Фарғона, Кобул, Ҳиндистон қисмларидан иборат бўлиб, 1493—1529 йилларда содир бўлган воқеаларни тасвирлайди. Тадқиқотчилар бу асарни энциклопедия деб аташларн бежиз эмас. Бобир ўз асарида автобиографик маълумотлардан ташқари ҳарбий юришлар, ўзи тавсифлаётган мамлакатлардаги табиат манзаралари, шаҳар ва қишлоқ ҳаётининг ёрқин манзарасини тасвирлаб беради, ўша даврдаги турмуш, урф-одатлари, атоқли замондошларнинг портретларини яққол акс эттиради. Айни вақтда у Ўрта аср шарқи ҳаётидаги реал манзараларни тасвирлабгина қолмай, шу билан бирга ўша даврдаги феодал жамиятидаги социал адоватлар ва қарама-қаршиликларни ҳам очиб беради.

Шарқшуносларнинг фикрича, «Бобирнома» Ўрта Осиё, Афғонистон, Эрон ва Ҳиндистон халқларининг Ўрта аср давридаги сиёсий ва социал-иқтисодий турмушини, этнографиясн ва маданиятини ўрганиш учун ғоят қимматли манбадир. ЮНЕСКО махсус комиссиясининг таклифига биноан мазкур асарни француз тилига таржима қилишда совет, афғон ва ҳинд олимлари иштирок этдилар.

(ЎзТАГ мухбири).

БИЛИМ ЮРТИ ЮБИЛЕЙИ

Тошкентдаги С. И. Стрелков номли 9-ўрта шаҳар ҳунар-техника билим юрти ўзининг ярим асрлик юбилейини нишонламоқда. Республикадаги ана шу энг кекса ишчи кадрлар тайёрлаш масканининг таржимаи ҳоли Ўзбекистонда полиграфиянинг ривожланиш тарихи билан чамбарчас боғланган.

Полиграфиячи ишчилар тайёрлаш ва уларни коммунистик рухда тарбиялаш соҳасидаги муваффақиятлари учун ҳамда ташкил этилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан 9-ўрта шаҳар ҳунар-техника билим юрти Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Билим юрти коллективига мукофот Тошкент полиграфия ходимлари ва жамоатчилиги вакилларининг 21 апрель куни бўлиб ўтган тантанали йиғилишида топширилди.

(ЎзТАГ).

«Совет Ўзбекистони» йўлланмаси билан

ЧЎЛ ШАЙДОСИ

Саид АҲМАД,

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати.

„ЎЗБЕКИСТОН» наслчилик совхоз-заводининг директори Рустамов 26 февраль эрталаб заготэрнодан саккиз тонна ем олиб, совхозга жўнатди. Эрталаб нонушта қилмай нахор чиқиб кетганидан уйга бориб тамадди қилмоқчи бўлди. Узоқдан уйининг қораси кўринишин билан ҳораги бир орзиқиб тушди. Нима гап? Эшиги олдида одамлар тўпланиб қопти. Тинчликмикин? Машина уйига яқин қолганда ўртанча ўғли қўлидаги қоғозни тинмай силкитиб ялангоёқ у томон югурарди. Шофёр тормоз берди. Машина болага бир-икки қадам етмай тўхтади. Нурмамат пастга тушди-ю, қоғозни ўғлининг қўлидан олди. Шошиб ўқиди.

Қашқадарё область, Баҳористон райони, «Ўзбекистон» совхозининг директори ўртоқ Рустамовга.

Ҳурматли Нурмамат Рустамов, Сизни Ватанимизнинг олий мукофоти — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони билан табриклайман.

Ш. РАШИДОВ».

Нурмаматнинг кўзлари тиниб кетди. Атрофини ўраб олган ўн фарзанд, ўн беш невара, ёр-биродарлар, кўни-қўшнилларнинг табриклари гангитиб қўйганди, фақат кечагина тили чиққан невараси-нинг овози қулоғига чалинганини эслайди, холос.

— Бувим ҳам, бувам ҳам қаҳрамон, Маза! Юлдузингизни мен ҳам тақаманми, бува?!

Одам боласининг ҳаётида шодлик дақиқалари, сира унутиб бўлмайдиган онлар камдан-кам бўлади. Аммо Нурмамат Рустамовнинг умрида бундай дақиқалар жуда кўп бўлган. Айниқса, область коммунистлари буюк ишонч билдириб, уни Ўзбекистон Компартиясининг XIX ва XX съезларига делегат қилиб сайлаган кунлар асло дилидан ўчмайди. Биринчи марта Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ орденлари билан мукофотланган саодатли кунлар ҳалигача юрагининг алқаеида нурланиб турипти. Эгизак фарзанд кўрган кундаги қувонч ҳалигача ҳонадонини ёритиб турипти. Хотини «Қаҳрамон она» унвонига сазовор бўлган кундаги қудалар, келин-кўёвлар, фарзандлар қувончи унутилармиди.

Бу обрў, бу саодатли дақиқалар Нурмаматга ўз-ўзидан келмаганди. «Тақдирин қўл билан яратур одам», деб шоир айтгандек, Нурмамат бу обрў-эътиборни мана шу қадоқ қўллари билан яратган эди. Қўй кетидан таёқ ўйнатиб юрган оддий чўпон бола бугун катта хўжаликнинг эътиборли раҳбарига айланди. Партия унинг кўксига қатор-қатор орденлар тақди. Қаҳрамон деган унвон билан шарафлади. Буларнинг барчаси ҳалол меҳнат, фидойлик, поклик самараси эди.

«Ўзбекистон» совхоз-заводи етмиш олти минг қорақўл қўйини боқади. Йилига ўттиз бир минг қимматбаҳо жингала тери тайёрлаб, давлатга топширади. Ўттиз тўрт минг қўзини боқишга қўяди. Етмиш олти минг совлиқ яна парваришга қолади.

Шунча қўйни, қўй бўлганда ҳам унча-мунча қўй эмас, аъло нав қорақўл тери берадиган қўйларни боқиш, парвариш қилиш осонми? Ундан ташқари, совхоз базасида янги совхоз ҳам вужудга келиб туради. Ўтган йили шу совхоз-завод базасида янги — Ғафур Ғулом номли совхоз вужудга келди. Унга ўттиз тўрт минг совлиқ берди.

Ишбилармон, режали, доно раҳбар бўлмаса, бу ишларни амалга ошириш осон бўлармиди?! Уч миллион саккиз юз беш минг сўм даромад олиш учун қаттиққўл, ишнинг кўзини биладиган хўжалик раҳбари бўлиши керак. Нурмамат мана шундай тийиндан танга, тангадан сўм ясайдиган онла бошлиғи эди.

Ҳар бирида етти юздан ошиқ қўй бор бир юз ўн тўрт отарга раҳбарлик қилаётган чўпонларнинг ўзига яраша «нозифироғи», талаблари, уларнинг таъминоти, улар ихтиёридаги қўйларнинг қай шароитда боқилаётгани раҳбарга кафтининг чизиғидек аён бўлиши керак. Ундан ташқари, раҳбарнинг ҳисобдан адашишга асло ҳаққи йўқ. Ҳисобдан адашган раҳбар хўжаликни барбод беради.

Нурмамат ҳисобга пишиқ, кўзи ўткир, хотираси аниқ кишилардан.

Бу гаплар шу кунгача қилиб келинган, ҳар йили фалакнинг гардишидек айланиб келаверадиган ишлар. Аммо одам боласи ҳадеб бир хилликка чидаб туролмайди. У нимадир қилиши керак; шу пайтгача бўлиб келаётган ишларга ўз ҳиссасини қўшиши, бирон янгилик киритиши керак.

Нурмаматнинг кўнглида анчагина тугилиб қолган ниятлари бор. Бу ниятларни амалга ошириш учун қулай фурсат кутарди.

Нурмаматнинг Чори Бегматов деган устози бўлгучи эди. Шу кунларда Нурмамат у кишини тез-тез эслайдиган бўлиб қолди. Туғилаётган қўзиларни қўлга олганда уларнинг нимжонлиги, кичиклиги ҳайрон қолдиради. СЖК препарати ёрдамида уч-тўрттадан туғилаётган қўзилар жуда майда, жингаласи ҳам нотекислиги ўхшайди. Чори Бегматов ҳеч-қандай дори ишлатмасди-ку!

У Бегматов тажрибаларини дилидан ўтказади. Чори ога кўчқорни тухум, сабзи, арпа, кўк беда билан боқарди. Ирик ва жингаласи гулдор қўзи туққан совлиқларни боласи билан алоҳида боқарди.

Шу тариқа Чори Бегматов икки-уч йил ичида шунақа насли тоза қўйлар сонини икки юз элликтага етказди.

Ўша қўйлар бир туққанда икки-учтадан туғарди. Ҳар бирининг териси ҳозирги қўзилар берадиган терининг тўрттасига тўғри келарди. Ундан ташқари, тери жингаласи ҳам ниҳоятда чиройли эди. Совлиқларнинг ҳам умри узоқ, ўн, ўн икки йилгача қийналмай соғлом қўзи туғаверарди. У киши оламдан ўтгандан кейин бу ишлар билан шуғулланадиган одам бўлмади. Ҳамма чўпонлар, зоотехниклар қўйларга СЖК берадиган, сунъий равишда туғдирадиган осон йўлга ўтиб олишди.

Аввллари давлатга топширган терининг сони ҳисоб эди. Энди терига тўланадиган ҳақ фақат сонга эмас, терининг катта-кичиклигига қараб бўлапти. Шундоқ экан, тўртта майда тери бергандан иккита катта тери топширган афзал эмасми?!

Нурмамат Рустамов мана шу ҳақда ўйларди. Минг йиллардан бери синовдан ўтган ота-боболаримиз тажрибасини, анъанасини ҳам унутиб қўймаслик керак деб ўйларди у.

Шу масалада у область қорақўлчилик трестининг бошлиғи Жумабой Омаров билан бир-икки марта сан-манга бориб қолди.

— Э, оқсоқол, сиз бунга бош қотирманг. Бу масала устида неча институтнинг илмий лабораториялари тажриба олиб боришяпти. Неча юзлаб илмий ходимлар бош қотиришяпти.

Нурмаматнинг тажанглиги ошади.

— Натижаси борми? Қани натижаси? Омаров қўл силтайди.

— Бир куни қўлингиз бўшаганда сизни Сурхондарёнинг Гагарин номидаги совхозига олиб бораман. Натижасини ўша ерда кўрасиз. Шундай ишлар бўляпти-ки, ақлингиз ҳайрон қолади. Шунақа гулдор терилар тушяпти, кўриб ёқангизни ушлайсиз.

Барибир, бу гаплардан Нурмамат қаноатланмайди. Чунки у директорлик қилаётган совхоз областнинг бошқа совхозларига наслдор қорақўл қўйлар етиштириб беради. Модомики шундоқ экан, қўлида бор нақд қўйларнинг наслини айнитмай, табиий ҳолатини сақлашни ҳам ўйлаши керак.

Бу йил қиш енгил келди. Ўтган йили гарамланган хашакларга кўл урилмади. Қиш ичи қўйлар адирларда ўт чимдиди. Ҳарқалай, қор тагидан бўлса ҳам қўйлар витамини учмаган кўкат еди. Албатта, бу ўўрак тугилаётган қўзиларнинг сифатини бир қадар яхшилашга сабаб бўляпти.

Неча минг гектарга чўзилиб кетган поёнсиз чўлнинг деярли ҳар тарафида совхоз қўйлари ўтлаб юрипти. Нурмамат уйдан бир чиқиб кетганча икки-уч кунлаб қайтиб келолмайди.

Бу чўлларда киши ақлини лол қолдирадиган воқеалар юз бермоқда.

Тўймурод Нуриев бош чўпонлик қилаётган тўртинчи фермада қўзилатиш авж олган пайт. Эндигина қирқ ёшга кирган бу чўпон йигит ўтган йили ҳар юз қўйдан уч юз йигирматадан қўзи олган эди. Бу йил уч юз ўттиз қўзи олиш учун ҳаракат қиляпти. Бу меҳнаткаш йигит чорва туёгини кўпайтириш, аъло сифатли тери тайёрлашдаги ажойиб ютуқлари учун Ҳурмат Белгиси, II ва III даражали Меҳнат Шуҳрати орденлари билан тақдирланган. Ҳозир у ўз ихтиёридаги 534 қўйнинг ҳар юзтасидан уч юзтадан қўзи олиб бўлди.

Чорвачиликни ривожлантиришдаги ажойиб ютуқлари учун кўксини Ленин, Октябрь Революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ орденлари безаб турган моҳир чўпон Исмонил Рамазонов ихтиёридаги 690 қўйнинг ҳар юзтасидан икки юз саксонтадан қўзи берди.

БУ ХИЛ моҳир чўпонлар совхозда жуда кўп. Ленин ва икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Чўлмурод Барноев, Ҳаким полвон Сафаров, Соат Вазиров сингари чўпонлар, ферма мудирлари чорва туёгини кўпайтириш учун жонбозлик қилмоқдалар.

Совхоз директори Нурмамат Рустамов ана шу моҳир чорвадорлар совхоз шуҳратига шуҳрат қўшаётганини яхши билади. Улар билан ҳамиша фахрланиб юради.

1979 йил чорвадорлар учун оғир йил бўлган эди. Қиш қаттиқ келиб, совуқ 20 даражагача пасайиб кетди. Нурмамат кечаси совуқнинг авжга чиқ-қанидан безовталанib, адирга қараб йўл олди. Тўймурод Нуриев отарига етганда қўтондаги қўйлар очиқ далада юрганини кўриб даҳшатга тушди. Тўймурод қўйлар музлаб қолмасин деб атайин оёққа турғазган, сўнгра эса шу ерда МТС Сиёсий бўлимининг бошлиги ва район партия комитетининг секретари бўлиб ишлайди. 1937 йилда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети фан ва маданият бўлимининг мудирлигига кўтарилади.

1938 йилда илмий-педагогик ишга ўтади. У 1941-1945 йилларда ҳаракатдаги армияда хизмат қилиб, Улуғ Ватан урушида актив қатнашди. Совет Армияси сафидан қайтганидан кейин Тошкент олий партия мактабининг доценти, Тошкент медицина институти философия кафедрасининг мудири бўлиб ишлади. 1957 йилдан бошлаб Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида катта илмий ходим, философия кафедрасининг мудири, 1971 йилдан эътиборан илмий коммунизм проблемалари секторининг мудири бўлиб ишлайди.

Ирик философ олим бўлган Р. Ҳ. Абдушукуров 1947 йилда кандидатлик, 1964 йилда эса докторлик диссертациясини ёқлайди, у ижтимоий фанларни ривожлантиришга, республика халқ хўжалиги учун юқори малакали илмий кадрлар ва мутахассислар тайёрлаш ҳамда уларни тарбиялашга катта ҳисса қўшди. Юзта илмий асар, шу жумладан «Октябрь революцияси, ўзбек социалистик миллатининг равнақ топиши ва унинг СССР миллатлари билан яқинлашуви», «Қолоқ мамлакатларнинг капитализмни четлаб социализм ва коммунизмга ўтиши ленинча назарияси тантанаси», «В. И. Ленин ва Ленин партияси томонидан коммунизм идеологияси ва сиёсатининг ривожлантирилиши ҳамда улар тантанасининг қонуниятлари» каби ва бошқа монографиялар унинг қаламига мансубдир.

Р. Ҳ. Абдушукуров қаерда ишламасин, у ўз билим ва куч-ғайратини муҳим масалаларни ҳал этишга виждонан ва ҳалоллик билан сарфлади, принципиаллик ва матонат кўрсатди, партия ғояларининг эҳтиросли пропагандисти бўлди.

Партия ва Совет ҳукумати Р. Ҳ. Абдушукуровнинг хизматларига юксак баҳо бериб, уни Ватан уруши ордени, Қизил Юлдуз ордени ҳамда Совет Иттифоқининг кўпгина медаллари билан мукофотладилар. Унга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби фахрий унвони берилди.

Ажойиб олим, камтарин инсон ва принципиал коммунист Рустам Ҳакимович Абдушукуровнинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ш. Р. Рашидов, О. У. Салимов, М. Т. Турсунов, А. Қўчқоров, О. С. Содиқов, С. П. Пўлатов, С. Ш. Шермуҳаммедов, Э. Юсупов, М. М. Хайруллаев, Қ. Х. Хоназаров, И. Д. Жалилов.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎзТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

АХБОРОТ

ТЕПЛИЦАЛАР ҚУРИЛМОҚДА

Навоий шаҳридаги 13 ўрта мактаб ҳовлисида теплица қурилди. Мактабни оталиққа олган «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчи ва инженерлари теплицани шанбаликларда қурдилар, болалар эса уларга ёрдам бердилар. Ҳозир теплицада биология дарслари ўтказилмоқда, мактаб ошхонасидан эса йил бўйи янги пишган сабзавот аримайдиган бўлади.

Шаҳардаги бошқа корхоналар ҳам «Навоиазот» бирлашмасидан намуна олиб, ўз оталиғидаги мактабларга теплица қуриб беришга аҳд қилдилар.

БОТАНИКА БОҒИ

Андижон педагогика институтининг студентлари ўз ботаника боғини барпо этмоқдалар. Шаҳар чеккасида бунёд этилаётган боғда ҳозирнинг ўзидаёқ йигирма минг туп ўрмон дарахт кўчати ўтказилди. Улар орасида 300 дан ортиқ нодир ўсимликлар кўчати бор. Ботаника боғи илмий ишлар олиб бориш учун база бўлиб қолади, бўлажак биологлар амалий машғулотлар ўтказадиган жой бўлиб хизмат қилади. Теплица қуриш ҳам мўлжалланмоқда. Теплицада субтропик зонада ўсадиган экзотик ўсимликлар етиштирилади.

КОЛХОЗЧИЛАР УЧУН УЙ-ЖОЙЛАР

Сирдарё область Охунбобоев номли колхознинг уй-жой қуриш кооперативига топширилган уйда барча қулайликлар — электр ва газ, канализация ва сув билан ишитиш батареялари, ёрдамчи хўжаликлар ва гараж мавжуд. Бу пайчиларга топширилган 20-коттеждир. Мирзачўлда ҳозир 30 дан зиёд ана шундай кооператив бор.

УЧРАШУВДАН ХОТИРА

Андижон сув омбори қурувчилари ўзларининг меҳмони ва дўсти — литвалик шоир Винторас Ватисни «Советободнинг зангори осмони» қўшиғи билан кутиб олдилар. Шоир бундан икки йил илгари қурилишда бўлиб, Советобод шаҳрига, «Қўлбола денгиз» бунёдкорларига бағишланган шеър ёзган эди. «Андижангидрострой» бошқармаси вокал-чолғу ансамблининг раҳбари Б. Лия шоир шеърига куй басталади.

Навқирон шаҳарнинг ўзига хос ҳаваскор ансамбли репертуаридан мустаҳкам жой олган қўшиқ ана шундай юзага келди. В. Ватис гидроиншоот қурувчилари билан учрашувда «Советободнинг зангори осмони» шеъри унинг янги китобида андижонлик қурувчиларга бағишланган асарлар туркумини бошлаб берганлиги ҳақида гапирди.

У. САКСОНБОЕВ, (ЎзТАГ мухбири).

Тошкент давлат 4-лойиҳалаш институтининг ижодкор коллективи тўқимачилик саноатининг янги беш йилликда қурилдиган корхоналари лойиҳаси устида иш олиб бормоқда. Суратда: катта инженер Р. Абдусолиҳова, лойиҳа бош инженери Д. Птицин, бўлим бошлиқлари М. Шор ва А. Култасов лар янги лойиҳани муҳокама этмоқдалар.

В. Сироткин фотоси.

КУТУБХОНА — ХАЗИНА

ЗИЁ МАСКАНИ

«Оммавий кутубхоналар ва клублар тармоғи кенгайтирилсин, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларнинг ҳаваскорлик ижодиётини ташкил этиш ва бўш вақтларини ўтказиш ишларида уларнинг роли оширилсин».

(СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишларидан).

Ҳар бир инсоннинг ўз эзгу ниятн бўлади. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Кошиф Ғуломовда бундай орзу ёшликда, буюк алломалар асарларини, жаҳондаги турли халқлар адабиётлари дурдоналарини кутубхоналардан олиб ўқиб, баҳраманд бўлган пайтларидаёқ туғилган бўлса ажаб эмас. Лекин Улуг Ватан уруши йилларида мамлакатимизнинг вақтича босиб олинган ерларида фашист босқинчиларининг барча ёвузликлари, хусусан, маърифат кошоналарини ёндириб, кулини кўкка совурганларини ўз кўзи билан кўрган Кошиф ака эсон-омон юртига қайтгач, китоб тарғиб қилиш ишида ишлашни мақсад қилиб қўйган эди.

Дарҳақиқат Кошиф Ғуломов орзусига эришди. Урушдан кейин Ўзбекистон маданий-оқартув бошқармасида кутубхоналарни маблағ билан таъминлаш бўлимининг раҳбари сифатида, 1955 йилдан бошлаб Тошкент кутубхоналар коллектори ташкилотида ишлай бошлади. Ўша йилларда бу ташкилот республика кутубхоналар коллектори ҳисобланарди. Ҳозир эса область марказларида ўз кутубхоналар коллекторлари ташкил этилган Тошкент кутубхоналар коллектори зиммасига мавжуд ва ташкил этилаётган кутубхоналар коллекторларига методик ёрдам бериш вазифаси юклатилди. Эндиликда китоб реализация қилиш йилига икки миллион 580 минг сўмга етди.

Республикамиз нашриётларининг фаолияти кенгайиб, турли-туман жанрларда кўплаб адабиётлар чоп этилмоқда. Республика Маданият министрлиги, Китоб савдоси бошқармаси масъул ходимлари, Тошкент шаҳри ва областидаги йирик кутубхоналарнинг мудирлари, библиограф ва китоб товаршунослари билан ҳамкорликда республика ва марказий нашриётларида нашр этиш мўлжалланган китобларнинг тематикаси билан танишиладн.

Гоҳо кутубхоналар томонидан баъзи бир ўқув қўлланмалари кам сўралиб, кейинчалик уларга яна зарурият туғилиши мумкин. Шундай ҳолларда «китоб буюртмаси варағи» орқали республикамиз ва Иттифоқимиз китоб базаларида мавжуд китоблар ва қўлланмаларнинг бор-йўқлиги аниқланади. Айрим кутубхоналардаги ортиқча адабиётларни сўраш орқали ҳам бошқа кутубхона фондларини керакли қўшимча адабиётлар билан тўлдиришга эришилади. Кошиф Ғуломов бошчилик қилаётган ташкилотда шаҳар, район ва қишлоқлар, олий ва ўрта махсус билим юртлари кутубхоналарини китоб билан таъминлаш бўлимлари, консультацион библиография ва бошқа бўлимлар мавжуд. Китоб тарқатишдек шарафли ишнинг ҳадисини олган М. Шарипова, Ш. Расулов, С. Зокирова ва М. Иноғомовалар ёшларга касб сирларини ўргатиб, мураббийликда бошқаларга ибрат бўлмоқдалар.

Ўтган беш йилликда В. И. Ленин тўла асарлари тўпламининг 55 томлиги, Ўзбек Совет Энциклопедиясининг тугал ҳолда китобхонларга тортиқ этилиши республика маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Бир китоб босилиб чиқиб китобхон қўлига етгунча қанчадан-қанча матбаа ходимларининг унга меҳнати сингади. Хонадонларда китоб кўпайиб борса, ҳар ким китобни, хусусан, оммавий кутубхоналардан олган китобини кўз қорачиғидек авайлаб-асраб ўқиса, зиёкорлар бундан мамнун бўлишади. Китобхонга истаган адабиётини топиб бериш учун кутубхоналар китоб фонди бой бўлиши, муттасил тўлдирилиб борилиши керак. Бундай хайрли ишга Кошиф Ғуломов раҳбарлик қилаётган Тошкент кутубхоналар коллектори ходимлари ҳам катта ҳисса қўшмоқдалар.

Б. МАҲМУДОВ, библиограф.

СПОРТ

ХОККЕЙ:

КУРАШ КЕСКИНЛАШМОҚДА

Швециянинг Гётеборг шаҳрида Европа ва жаҳон чемпионати давом этмоқда. Саралаш учрашувларини ниҳоясига етказган саккиз команда икки группага бўлинди. Биринчи группада Канада, ЧССР, Швеция ва СССР командалари 1-4 ўринлар учун ҳал қилувчи ўйинларни ўтказмоқда.

Биринчи тўртликда пешқадамлик қилаётган СССР терма командаси Швеция хоккейчилари устидан 4:1 ҳисобида устун келиб, мавқеларини мустаҳкамлаб олган эдилар. Ўтган куни жаҳон чемпионлигига асосий даъвогарларнинг — СССР ва ЧССР командаларининг учрашуви бўлди. Шу куни Мальцев, Шалимов ва Фетисовлар ўзларининг туғилган кунларини муносиб нишонлашди. 8:3 ҳисоби ҳам буни яққол кўрсатиб турибди. «Гарчи СССР командаси жаҳон чемпиони бўлиши муқаррар бўлса ҳам, чоршанба кунги учрашувда албатта голиб келамиз» деб катта ваъда берган Канада хоккейчилари Швеция командасига 1:3 ҳисобида юқазиб қўйишди. Асосий ўйинлар олдидан совет хоккейчиларида 6 очко, ЧССР ва Швеция хоккейчиларида 3 тадан очко бўлиб, канадаликлар ҳисобида биронта ҳам очко йўқ.

ЧАВАНДОЗЛИК:

ТУСИҚЛАР ОШИБ

Тошкент ва Чирчиқ шаҳарларида республика Министрлар Совети совғаси учун Бутуниттифоқ турнири давом этмоқда. «Кичик совғи» учун ўтказилган мусобақада тошкентлик чавандозлардан М. Замороева, Н. Довженко, Е. Фаситскаялар муносиб ўринларга кўтарилдилар. Аргумоқларни тўсиқларга солиш бадиа айниқса қизиқарли ўтди. Бунда қирғизистонлик суворий Р. Иботуллин зафар қучди. Ўзбекистон иккинчи командасининг вакили И. Содиқов голиблик супасининг иккинчи погонасига кўтарилди. Умумкоманда ҳисобида ЎзССР-2 коллективи пешқадамлик қилди. Қирғизистон ва ЎзССР-1 командалари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллашди.

СИЛКИНИШ МАНБАИ — ҲИНДУҚУШ ТОҒЛАРИДА

21 апрель куни маҳаллий вақт билан соат 15 дан 38 минут ўтганда Тошкентда 3 балл куч билан ер силкиниши сезилди. «Тошкент» марказий сейсмик станциясидан хабар қилишларича, эпицентр 510 километр жанубда, Ҳиндуқуш тоғларида, Афғонистон территориясида жойлашган. Силкиниш манбаи салкам икки юз километр чуқурликдадир.

(ЎзТАГ).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг ЎЗБЕКИСТОН САНИТАРИЯ-ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ лабораториялар ва бўлимлар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: гигиена ва пестицидлар ҳамда минерал ўғитлар токсикологияси (медицина фанлари доктори ва кандидати) илмий-медицина ахбороти;

катта илмий ходимлар: муҳит ҳавоси, меҳнат физиологияси ва гигиена, электрон микроскопия бўйича фотоморфология группасига, клиник-функционал диагностика (медицина фанлари докторлари ва кандидатлари);

кичик илмий ходимлар: сув ва тупроқ гигиенаси, муҳит ҳавоси, шовқин ва вибрацияни ўрганиш бўйича (2 ўрин), саноат токсикологияси ва химиявий моддалардан фойдаланишда меҳнат гигиенаси, қишлоқ гигиенаси (3 ўрин), гигиена ва пестицидлар ҳамда минерал ўғитлар токсикологияси, клиник функционал диагностика (2), илмий-медицина ахбороти бўлимига.

ШАРТНОМА ИШЛАРИ БЎЙИЧА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ СЕКТОРИГА:

тармоқ лабораторияларининг мудирлари (медицина фанлари докторлари ва кандидатлари): меҳнат гигиенаси ва пахта тозалаш саноатида касб касалликлари, меҳнат гигиенаси ва кўмир саноатида касб касалликлари, полимер материаллар гигиенаси ва токсикологияси;

катта илмий ходимлар (катта илмий ходимлар, медицина фанлари кандидатлари): меҳнат гигиенаси ва пахта тозалаш саноатида касб касалликлари, меҳнат гигиенаси ва токсикологияси, меҳнат гигиенаси ва газ саноатида касб касалликлари, илмий-тадқиқот сектори бўйича (6);

кичик илмий ходимлар: меҳнат гигиенаси ва пахта тозалаш саноатида касб касалликлари (5), меҳнат гигиенаси ва кўмир саноатида касб касалликлари (5), меҳнат гигиенаси ва газ саноатида касб касалликлари (5), полимер материаллар гигиенаси ва токсикологияси (5).

Конкурс муддати — 16 майгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700056, Тошкент шаҳри, Циолковский кўчаси, 325-уй. Телефон: 66-19-74.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг ЎЗБЕК ХОРЕОГРАФИЯ БИЛИМ ЮРТИ 1981-1982 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти опера ва балет, музикали комедия театрлари, халқ рақс ансамбллари, эстрада ансамбллари учун балет артистлари тайёрлаб беради.

Классик рақс бўлимига — 10-11 ёшдаги умумий таълим мактабларининг 3-синфини битирган қиз ва ўғил болалар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 8 йил.

Халқ рақси бўлимига — умумий таълим мактабларининг 6 синфини тамомлаган, 13-14 ёшдаги қиз ва ўғил болалар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 5 йил.

Билим юртига кирувчиларнинг ҳаммаси танланган касб бўйича кўрикдан ўтадилар.

Классик рақс бўлими ўқувчилари ўқишнинг 6-йилдан бошлаб, халқ рақси бўлимининг ўқувчилари эса ўқишнинг 3-йилидан бошлаб стипендия ола бошлайдилар.

Аризалар билим юртига кирувчи ўқувчиларнинг ота-оналари томонидан директор номига қуйидаги ҳужжатлар билан қўшиб берилади: умумий таълим мактабидан характеристика-йўлланма, саломатлиги ҳақида медицина карточкаси (286-форма), туғилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг асл нусхаси, 3 та фотосурат (3х4 см.).

Ҳужжатлар касб кўригидан ўтгандан кейин топширилади.

Ҳужжатлар якшанбадан ташқари ҳар куни соат 16.00 дан 19.00 гача 31 майга қадар қабул қилинади.

Қабул комиссияси 25 майдан 15 июнгача соат 10.00 дан ишлайди.

Билим юрти қошида интернат мавжуд.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Педагогическая кўчаси, 31-уй. Телефонлар: 56-24-36, 56-05-28, 56-33-27.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ 1981 йил учун ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БУЙИЧА АСПИРАНТУРАГА ҚЎШИМЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун: агрономия;

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун: ўзлаштирилган ерлар мелиорацияси ва деҳқончилиги, чорвачилик.

Аспирантурага кирувчилар танланган ихтисос бўйича, КПСС тарихи ва чет тилларининг биридан олий ўқув юртлари программаси ҳажмида кириш имтиҳони топширадилар.

Аспирантурага кириш ҳақида институт ректори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: олий ўқув юртини тугатганлиги тўғрисидаги дипломнинг нотариус тасдиқлаган нусхаси(зачет ведомостидан кўчирма билан); сўнгги иш жойидан характеристика, кадрлар ҳисоби бўйича шахсий варақа (4х6 см. ҳажмдаги фотосурат билан), эълон қилинган илмий ишлари рўйхати ёки реферат, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (иш жойида тасдиқланган, аспирантурада ўқиши мумкинлиги кўрсатилган соғлиғи тўғрисидаги справка (286-форма).

Ҳужжатлар 25 апрелгача қабул қилинади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 4 МАЙДА БОШЛАНАДИ

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700186, Тошкент шаҳри, 183-алоқа бўлими, аспирантура бўлими. Телефон 62-02-02.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ТЕАТРИДА — 22/IVда Қизил йўлдаги кўк тулпорлар, 24/IVда Ун учинчи ранс.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппарати ҳамда Ишлар мудирлиги партия ва касаба союз ташкилотлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири Т. Р. Абдушукуровга отаси

Рустам Ҳакимович АБДУШУКУРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ўрта Осиё Давлат нефть саноати илмий-тадқиқот ва лойиҳа институти коллективи «СредазНИПИнефть» илмий ишлар бўйича директорининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган нефтчи, институт бош инженери, техника фанлари кандидати

Ғанижон Алижонович АЛИЖОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекнефть» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон илмий-техника жамиятларининг республика Совети ва нефть-газ саноатини илмий-техник ташкил этиш Ўзбекистон республика правлениеси коллективлари шу правлениенинг раиси, СССР нефть-газ саноатининг илмий-техник ташкил этиш Марказий правлениеси президиумининг аъзоси, «СредазНИПИнефть» институти директорининг биринчи ўринбосари — бош инженери, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган нефтчи, техника фанлари кандидати

Ғанижон Алижонович АЛИЖОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Турмуш чорраҳаларида

ЯХШИ ЕТАР МУРОДГА...

Инсон ҳамиша яхшиликка интилади. Яхшилардан ибрат олиб хайрли ишларга қўл уради. Қилган яхшиликларидан яхшилик кўради.

Лекин гуруч ичида қурмак бўлганидек, онда-сонда бўлса ҳам дил ранжитадиган воқеаларни кўриб кўнгил хира тортади. Санда ая Чизак деган қишлоқдан редакцияга хат йўллаб, кенжатой ўғли Усмоннинг Владивосток шаҳрида ўқишни тугатиб, ота-онадан бемаслаҳат ўша ерда ўйланиб, йилда бир марта ҳам улардан хабар олмаётганлиги, ҳатто бир парча хат билан йўқламай, унутиб қўйганлиги ҳақида куйиб-пишиб ёзибди.

Хат жуда қисқа, аммо кишини шунчалик нафратлантирадики, Усмон олий маълумот олибди-ю, бироқ одоб ва ахлоқ, фарзандлик бурчини унутиб, ота-она олдида «хиёнат» кўчасига кириб қолибди.

Биз Санда аянинг хатига жавоб ёзиб «Аяжон, яхши ҳам серфарзанд экансиз, ҳафа бўлманг. Усмон ўйламай сизларни ранжитибди, унинг ўзи ҳам вақти келиб ота бўлар, фарзандлик бурчи қандай бўлишини ана ўшанда билиб олар» деб ёздик. Онадан яна хат келди. Ўғли Усмон уларга шунчалик бемеҳрлик қилса ҳам она-онада, фарзандига асло ёмонликни тиламайди.

— Йўқ, айланайлар, — деб ёзибди у, — болам ҳаётда асло ранжимасин, эси кириб қолар, зора бола-чақаси билан бағримга келса?

Она! Унинг соф, мусаффо қалби фарзандга доимо яхшиликни раво кўради. Энг аввало, фарзанди гуноҳини кечирадиган ҳам онадир.

Ҳа, ота-она бўлиш катта бахт. Республикамизда ҳавас қилса арзийдиган аҳиллотув оилалар, уларга бошчилик қилаётган, оқил, пири бадавлат отахон ва онахонлар ҳам жуда кўп.

Шулардан бири Тошкентнинг Озод кўчаси, Охунбоев номли маҳалласида истиқомат қилган Муҳаррам ота ва Башорат ая Убайдуллаевалар эди. Бу оилада тўрт ўғил, бир қиз ўсиб улғайди. Ота-она фарзандларини эсларини таниб бошлаганиданоқ уларни яхши кишиларга яқинлаштириб, «Шу кишиларга ўхшаса» деб астойдил ният қилишди. Тарбияда ёлғиз орзу-истакнинг ўзи кифоя қилмайди. Келажакни олдиндан кўра билиш тарбияда жуда муҳим аҳамият касб этади. Ота-она фарзандларининг ўқишига, ҳунар эгаллашларига айниқса катта аҳамият берди. Ўша вақтдаги қийинчиликлар билан беш болани оёққа турғазишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун ақл, идрок, ирода, оқилона режалар зарур бўлади. Ота-она бамаслаҳат иш тутиб, болаларга ҳам меҳр улашдилар, кези келганда қаттиққўллик ҳам қилдилар. Талай «сўқмоқ»лардан мардонавор ўтишга эр-хотиннинг аҳиллиги, бир-бирларининг қалбини тўғри тушунишлари ёрдам берди.

Тўнгичлари Раҳматулла энди улғайиб, ота қанотига кирганида даҳшатли Улуғ Ватан уруши бошланди. Раҳматуллани фронтга кузатишди. Яхши тарбия кўрган йигит у ерда ҳам кўзга яққол кўриниб, мардлиги, масъулиятлилиги туфайли хизмат қилган полкидан ота-онасига кетма-кет миннатдорлик хатлари кела бошлади. Ота-она учун бундан ортиқ шодлик борми ахир? Кўплар қатори Раҳматулла ҳам жангдан зафар қучиб қайтди.

Мана, у қирқ йилдан зиёд вақтдан бери Тошкент шаҳридаги 40-ўрта мактабда ўқувчи ёшларга таълим-тарбия бериб келмоқда.

Халқимизда бир нақл бор: катта арава қандай юрса, кичиги ҳам унинг ортидан шундай боради. Оиланинг бошқа фарзандлари кўп сифатларни ажойиб инсон Раҳматулла акадан ўрганишган десак муболаға бўлмас. Собира опада онаси Башорат аядаги жамики фазилатлар мужассам бўлди-қўйди. Ширинсўз, камтарин бу аёл ҳозир ували-жували бўлиб, ажойиб фарзандлар улғайтириб, роҳатини кўрмоқда.

Абдулла акани номини бутун республика яхши биладн. Бу киши моҳир шифокор, медицина фанлари доктори, профессор, шаҳримиздаги 1-касалхонада беморларни тадбиркорлик билан даволаб, ҳаётга қайтишлари учун ёрдам бермоқда.

Эсимда, Абдулла Убайдуллаевга докторлик илмий даражаси берилганида Охунбобоев номли маҳалла аҳли шунчалик қувонди:

— Барака топсин, инсон бўлса шунчалик бўлар, еш бўлса ҳам худди отаси каби маҳалладагиларга яқин маслаҳатчи, сўзи, муомаласи билан катта-кичикнинг кўнглига малҳам бўлади, умри узоқ бўлсин! — деб унинг ютуғини бир оғиздан қутлашган эди. Кўпнинг назарига тушишнинг ўзи бўлмайди. Дарҳақиқат, Абдулла акада чин инсоний фазилатлар кўп. Коллективга ҳам, оиласига ҳам, қариндош-уруғу, ёр-биродарларига ҳам жуда ғамхўр ва эътиборли одам. Учинчи фарзанд Ҳамидулла ҳам гулдек ҳунарни эгалади. Республикамизнинг кўпдан кўп шаҳар ва қишлоқларини замонавий қиليб қайта қуришда унинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Ҳамидулла ҳозир архитектор. Айни вақтда Тошкент политехника институтининг доценти ҳамдир.

Кенжатой Ҳамзанинг одамийлиги, камтар ва маданиятлилиги ҳақида киши завқ билан гапирса арзийди. Илмга, ҳунарга чин ихлос қўйган бу киши меҳнатидан бахт-саодат топди. У акаси Ҳамидулланинг изидан бориб, архитектор бўлиб етишди. У Москва архитектура институтининг талабаси чоғидаёқ катта кашфиётларга қўл урди. Таниқли архитектор қўлида таҳсил кўриб, кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Ҳамза Убайдуллаев номи республикамиздаги шаҳар ва қишлоқ бунёдкорлари орасида кенг тарқалган. У кўп шогирдлар етказмоқда. Қувасойда қад кўтарган В. И. Ленин ҳайкалини устозлари Ф. И. Гришченко ва шогирди А. Ш. Шокировлар билан қўйишди. Ҳамза табиатан педагог. У Тошкент политехника институтида ёшларга ўз касбини меҳр билан ўргатаётган мураббий устозлардан биридир. Яқинда Ҳамза Убайдуллаевнинг ҳаётида қувончли воқеа содир бўлди. Унинг кўп йиллик самарали меҳнатлари учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган архитектор» деган юксак унвон берилди.

Ҳа, Убайдуллаевлар оиласида ҳар куни бир янгилик, қувонч, севинч бўлиши одат тусига кирган.

Шу ўринда халқимизнинг бир ривояти ёдимга тушди. Бахт юртма-юрт, шаҳармашаҳар юриб ўзига маскан ахтаркан. У шунчаки хонадонларгагина эмас, балки, фақат тотув, ақил, ҳамжиҳатликларга йўлдош бўлишни истаркан. У бир хонадонда кўп йил туриб қолибди. Бир куни у оила бошлиғидан рухсат сўраб бошқа оиларга ҳам боришини айтибди. Шунда эр хотинига: «Аяси, бахт бизнинг оиламиздан бошқа хонадонга рухсат сўрамоқда. Нима десак экан?» — дебди. Хотин бўлса: — «Майли, дадажониси, биз тинч-тотув, бахтли, саодатли яшадик. Бола-чақаларимиз ҳам яхши инсонлар бўлиб етишишди, бахтли бўлишди. Энди бахт бошқа оилага борса бора қолсин», — дебди. Бу сўзларни эшитиб турган бахт:

— Йўқ, — дебди ўзича — шундай оилани ташлаб ҳеч қаерга бормайман, — деб яна шу хонадонда қолган экан.

Менинг назаримда бахт қуши қўнган уй Муҳаррам ота ва Башорат аянинг хонадони бўлса керак.

Ҳа, бахт орзу этган билан кела қолмайди. Машақатнинг таги роҳат дейдилар.

Кишининг қандай инсонлиги, феъли-атвори бегона кишилар билан муносабатда аниқса, қуда-анда қилганида билинади-қолади. Башорат ая совчи бўлиб кирган хонадонлар уни очиқ юз билан қулиб қарши олишади. Шундай одамларга ким қуда бўлгиси келмайди, дейсиз?!

Бош келин Елизавета эсли-ҳушли, оиладагиларга ўта меҳрибон чиқди. Қайнонақайнота, қайнбўйинларига иззат-ҳурматини жойига келтиришда маҳалла келинларига ўрнак бўлди.

Абдулла акага Раъногондек оқила қиз насиб бўлди. Раъногон бу хонадонга бахтсаодат билан кириб келди, шу ерда ўниб-ўсди, ўқиди. Мана ҳозирги кунда у иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олишга муваффақ бўлди. Бир неча шогирдлар етиштирди. Ҳа, Раъногон Убайдуллаева ҳақиқатан ҳар томонлама бахт топган аёл.

Ҳамидулла Ризидаойни танлаганида ота-она ўзида йўқ шод, «дидингга балли, болам» деб, қувона-қувона тўй-томоша қилишди. Ризидаой ҳам овсинлари каби онадага қайишадиган, фарзандларига ғамхўр, умр йўлдошига содиқ аёл.

Ҳамза билан Тоҳираой худди олтин узукка ёқут кўз бўлиб тушишди. Муҳаррам ота ва Башорат ая кенжатойининг тўй тантанасида:

— Минг шукур, ҳаммасини ўйли-жойли қилишга муваффақ бўлдик. Энди набираларимизнинг орзу-ҳавасига етсак,—дейишиб севинишган эди. Тоҳираой қайнонанинг қўлини совуқ сувга урдирмади. Бола-чақали бўлса ҳам ота-она хизматида бўлиб, илмга ихлос қўйди.

Ҳа, яхши, тадбирли қайнонанинг тарбиясини кўрган келинлар бир-бирлари билан ниҳоятда иноқ. Худди опа-сингилдек меҳрибон, оқибатли. Оиладаги барча ишни бамаслаҳат келишиб қилишади. Келинлар иноқ, ақил бўлса, ота-иниларнинг ҳам ақил бўлиши табиий экан.

Бугунги кунда бу табаррук қутлуғ оилани ҳамма ҳавас билан тилга олади. Катта-кичик шуларга ўхшасам, дейишади. Энг муҳими бу ажойиб оилада йигирмадан ортиқ ёш авлод худди ота-оналари каби яхши фазилатларга эга бўлиб улғаймоқдалар.

Убайдуллаевлар сулоласи Тошкент шаҳар Озод кўчасидаги энг ибратли оилалардан бири ҳисобланади. Яхши бўлса етар муродга, деб шунга айтаркандар-да.

Ҳақиқатан яхшига ёндашган бахтга эришади.

Қумри АБДУЛЛАЕВА, педагогика фанлари кандидати.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00—Время. 9.40—Гимнастика. 10.05—Илмий-оммабоп фильмлар. 10.40 — Мардлик. Бадиий фильм. 3-серия. 11.45 — Д. Д. Шостакович номли квартет чалади. 12.15 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.15 — Ҳужжатли фильм. 15.25 — Ўсмирлар ижоди. 15.55 — Сизни қизиқтирган китоблар. 16.40 — Шахмат мактаби. 17.10 — Гитара учун пьесаларни В. Широков чалади. 17.25 — Фан оламида. 17.55 — Ульяновлар оиласи. Бадиий фильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Концерт. 19.55— В. И. Ленин туғилган кунининг 111 йиллигига бағишланган тантанали мажлис. 24.00 —Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Ўқув кўрсатуви. 18.00 — Бизнинг бахтли болалик. 18.30 — Ҳужжатли фильм. 18.45 — Ленин номи билан. 19.25 — Ахборот. 19.35 — В. И. Ленин туғилган кунининг 111 йиллигига бағишланган тантанали мажлис. 21.30 — Время. 22.05 — Спектакль.

II.

18.40 — Болалар учун фильм. 19.00 — Китоб бизнинг дўстимиз. 19.30 — Физика. 20.30 — Янгиликлар. 20.50 — Бадиий фильм.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ленин, партия ҳақида қўшиқлар. 9.35 — Халқ куйларидан концерт. 11.15 — Ильичга муҳаббат. 11.25 — Ленин шарофати. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 12.50 — Владимир Ильич Ленин туғилган кунинг 111 йиллигига. 13.00— Анджонликлар ташаббусига кенг йўл. 14.00 — Ғўза парваришини кучайтирайлик. 19.25 — Рақс оҳанглари. 19.55 — Москва. В. И. Ленин туғилган кунинг 111 йиллигига бағишланган тантанали мажлис. 23.35 — Концерт.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, ишчи ва деҳқонлар ҳаёти — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 32-53-06; ВИЛОЯТЛАР: редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 32-53-06; ВИЛОЯТЛАР: Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02929. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64773. Б — 93. 7